

Куч – адолатда

Аدل ила олам юзин обод қил!

2023 йил
28 апрель,
жума
№ 21-22 (952)

Ўзбекистон Республикаси Олий судининг ҳуқуқий газетаси

• <http://www.kuch-adolatda.sud.uz>

• 1998 йил 29 августдан чиқа бошлаган.

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН ИНВЕСТИЦИЯЛАР УЧУН ЯНАДА ҚУЛАЙ МАМЛАКАТГА АЙЛанади

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг иккинчи Тошкент халқаро инвестиция форумининг очилиш маросимидаги нутқи

Хурматли форум иштирокчилари! Азиз меҳмонлар, хонимлар ва жаноблар!

Сизлар билан иккинчи Тошкент халқаро инвестиция форумида учрашиб турганимдан бағоят хурсандман.

Албатта, Ўзбекистоннинг яқин дўстлари ва ишончли ҳамкорлари бўлган хорижий ҳуқуматлар ва халқаро молия институтлари вакиллари ҳамда нуфузли компаниялар раҳбарлари билан ушбу форум доирасидаги учрашувларимиз барчамиз учун яхши аънаёнага айланиб бормоқда.

Сизларнинг меҳмондўст диёримизга ташрифингизни юртимизга ҳурмат ва ислохотларимизга ишончифодаси сифатида қабул қиламиз.

Ўзбекистонга хуш келибсиз!

Хурматли форум иштирокчилари! Ҳозирги вақтда халқаро майдонда давом этаётган мураккаб ва таҳликали жараёнлар, башорат қилиб бўлмайдиган ўзгаришлар дунё иқтисодиётини жиддий синовдан ўтказётгани ҳеч кимга сир эмас.

Ишончим комилки, бундай зиддиятли шароитда бугунги учрашувимиз икки томонлама ва кўп томонлама ҳамкорликни мустаҳкамлашга, барчамиз учун янги бизнес имкониятларини кашф этишга хизмат қилади.

Азиз дўстлар!

Ўтган йили бўлиб ўтган биринчи Халқаро инвестиция форумида янги ҳамкорлик йўналишлари муҳокама қилиниб, кўплаб келишувларга эришилди.

Бир йил ичида мамлакатимиз

иқтисодиётини янада эркинлаштириш, бизнесга кенг йўл очиш, бу борада қонун устуворлиги ва ҳуқуқий кафолатларни мустаҳкамлаш бўйича тизимли ислохотларни жадал давом эттирдик. Жумладан, минтақамиздаги энг қулай фискал тизимни яратиш бўйича катта ўзгаришларга эришдик. Хусусан, қўшилган қиймат солиғи ставкаси 12 фоизга туширилди. Хабарингиз бор, илгари ушбу солиқ ставкаси 20 фоиз эди. Шунингдек, қўшилган қиймат солиғини экспортчи корхоналарга 7 кун ичида қайтариш жорий қилинган, солиқ ва божхонада ўзаро ҳисобга олиш йўлга қўйилгани тadbirkorларга жуда маъқул бўляпти. Шу пайтгача инвесторлар 2 та алоҳида ти-

зим орасида сарсон эди.

Бундан ташқари хорижий инвесторларнинг ўз акцияларидан олдиган дивидендлари уч йил муддатга солиқдан озод қилинди, улар учун фойда солиғи 20 фоиздан 12 фоизга туширилди.

Мухими – солиқ ва божхона қонунларига янги ёки оғирлаштирувчи жавобгарлик чоралари киритилмаслиги қатъий белгилаб қўйилди.

Ташқи савдони эркинлаштириш бўйича навбатдаги муҳим қадамлар қўйилди. Жумладан, инвесторлар учун зарур бўлган 7 мингдан зиёд хомашё ва товарларга божхона божлари бекор қилинди. Божхона ҳудудида қайта ишлашнинг содда-лаштирилган тартиби жорий этилди.

(Давоми 2-бетда) ►

Кейинги йилларда мамлакатимизда инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг қонунчилик ва ташкилий-ҳуқуқий базасини мустаҳкамлаш борасида тизимли ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро стандартларни миллий қонунчиликка имплементация қилиш ва халқаро мажбуриятларни бажариш, шунингдек, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш масалалари юзасидан халқаро ташкилотлар билан ҳамкорлик изчил фаолашмоқда.

Моҳият

Давлат ҳисобидан юридик ёрдам кўрсатиш тўғрисидаги қонун

Жамиятимизда инсон ҳуқуқ ва эркинликларига ҳурмат маданияти юксалишига қаратилган

Олий Мажлис Сенатининг ўттиз тўққизинчи ялпи мажлисида сенаторлар томонидан маъқулланган “Давлат ҳисобидан юридик ёрдам кўрсатиш тўғрисида”ги қонун ҳам ушбу ислохотларнинг мантиқий давоми сифатида ишлаб чиқилган. Айтиш жоизки, давлат ҳисобидан юридик ёрдам кўрсатиш соҳасидаги муносабатларни тартибга солишга қаратилган яхлит қонундир.

Шу ўринда ҳақли савол туғилади: хўш, ушбу қонунни ишлаб чиқиш зарурати қандай омилларга бориб тақалади? Аввало, шу ҳақда мухтасар тўхталамиз. Биринчидан, амалда давлат ҳисобидан юридик ёрдам фақат жиноят ишларини юриштиришда мавжуд бўлиб, маъмурий ва фуқаролик ишларида бундай юридик ёрдам назарда тутилмагани кам таъминланган фуқароларнинг Конституцияда кафолатланган малакали юридик ёрдамдан тўлиқ фойдалана олмаслигига олиб келаётган эди.

(Давоми 5-бетда) ►

Мамлакатимизда ҳар бир шахснинг ўз ҳуқуқ ва эркинликларини суд орқали ҳимоя қилиш, давлат органлари, мансабдор шахслар, жамоат бирлашмаларининг гайриқонуний хатти-ҳаракатлари устидан судга шикоят қилиш ҳуқуқи кафолатланган.

Ҳуқуқий маърифат

Суд буйруғи



Фуқаролик ишларида қулай иш юритиш усулидир

Инсон ҳуқуқ ва эркинликларини суд орқали ҳимоя қилишнинг энг қулай усули суд буйруғи тартибидан иш юритиш бўлиб, у ишни судда

(Давоми 5-бетда) ►

Қонун кўмаги

Бундан 4 йил муқаддам – 2019 йил май ойида Фарғона вилоятининг йирик хунармандчилик марказларидан бири бўлган Риштонда туманни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича кенг кўламли ишлар бошланди. Шу мақсадда 2019 йил 13 май кунини туман ҳокимининг 2852-сонли қарори қабул қилинди.

Тadbirkorга етказилган зарар суд томонидан ундириб берилди



Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, ушбу қарорда туман маркази қиёфасини тубдан ўзгартириш мақсадида фуқароларнинг 430 та турар-жойи, 109 та тadbirkorлик субъектлари ҳамда юридик шахсларнинг бино-иншоотлари бузилиб, ерлари давлат ва жамоат эҳтиёжлари учун олиниши белгиланди.

(Давоми 3-бетда) ►

30 АПРЕЛЬ — ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ РЕФЕРЕНДУМИ КУНИ

ЯНГИЛАНАЁТГАН КОНСТИТУЦИЯ —

ҲУҚУҚИЙ ДАВЛАТ ҚУРИШНИНГ МУҲИМ ПОЙДЕВОРИ

Мамлакатимизда амалга оширилаётган ҳуқуқий ислохотларнинг бош мақсади миллий давлатчилигимизни мустаҳкамлаш, фуқароларнинг фаровон ҳаёт кечириши учун муносиб шароит яратишдир. Янгиланаётган Конституциямиз Муқаддасида санаб ўтилган устувор меъёрлар Ўзбекистонда ҳуқуқий давлат ва эркин фуқаровий жамият қуришнинг ҳуқуқий асоси ҳисобланади.



Шу ўринда “ҳуқуқий давлат” тushunchasi, унинг асосий тамойилларига тўхталадиган бўлсак, бундай давлатда давлат ҳокимияти қонун устуворлиги талабини



Садриддин ХИДИРОВ, Олий суд Пленуми ва Раёсати қотибияти бўлими бошлиғи, юридик фанлари номзоди, доцент

сўзсиз эътироф этади ва унга бўйсунди. Яъни давлат ҳокимияти Конституцияда белгиланган асосларда ҳуқуқий ва сиёсий жиҳатдан тизгинланади. Давлатимиз раҳбари таъбири билан айтганда, ҳуқуқий давлат – инсониятнинг минг йиллар мобайнидаги машаққатли меҳнати эвазига шаклланган тараққиёт ғояси ва буюк кашфиётидир.

(Давоми 4-бетда) ►

Фуқаролик жамияти институтларининг референдумда иштироки:

халқаро тажриба ва миллий амалиёт



Янги Ўзбекистонда “Инсон, унинг ҳуқуқлари, эркинликлари, айниқса, қадр – энг муҳим қадрият” деган тамойил асосида мутлақо янги миллий ҳуқуқий тизим шаклланди. Бинобарин, давлатимиз раҳбари таъбири билан айтганда, истиқбол йилларида мамлакатимизда том маънодаги конституциявий давлат барпо этилди.

Конституциявий давлат деганда биринчидан, Конституцияда белгиланган давлат ҳокимияти идоралари тузилгани ва фаолияти йўлга қўйилгани; иккинчидан, фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликлари таъминланаётгани; учинчидан, фуқаролик жамияти инс-

титутлари фаолияти изчил кенгайиб бораётганини тушуниш лозим.

Тараққиёт стратегияси доирасида “Инсон қадр учун” тамойили асосида халқимиз фаровонлигини янада ошириш, тadbirkorликни жадал ривожлантириш, инсон ҳуқуқлари ва манфаатлари-

ни сўзсиз таъминлаш ҳамда кучли фаол фуқаролик жамиятини шакллантиришга қаратилган ислохотлар давлат сиёсатининг устувор йўналишлари сифатида белгиланди.

Шу муносабат билан миллий қонунчилик ва ҳуқуқий амалиётда “шахс – жамият – давлат” тамойилини мустаҳкамлаш масаласи кун тартибига қўйилди. Зеро, Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегиясида йиллар давомида амал қилиб келган “давлат – жамият – инсон” тамойили янги парадигма — “инсон – жамият – давлат” тамойилига ўзгартирилмоқда.

(Давоми 4-бетда) ►

Хусусий мулк дахлсизлиги кафолатлари

янгилаётаган Конституцияда янада кучайтирилмоқда


батларга асоссиз аралашувга йўл қўймаслик, мулк, шу жумладан, ер участкасига бўлган ҳуқуқлар билан боғлиқ барча маъмурий ҳужжатларни қатъий равишда фақат суд тартибидан бекор қилиш ёки ҳақиқий эмас, деб топиш амалиёти жорий этилди. Давлат ва жамият эҳтиёжлари учун ер участкаларининг олиб қўйилиши муносабати билан жисмоний ва юридик шахсларга етказилган зарарни қоплашнинг амалдаги механизми такомиллаштирилди.

Президентимизнинг 2022 йил 24 августдаги “Мулк ҳуқуқининг дахлсизлигини ишончли ҳимоя қилиш, мулк деб топиш амалиёти жорий этилди. Давлат ва жамият эҳтиёжлари учун ер участкаларининг олиб қўйилиши муносабати билан жисмоний ва юридик шахсларга етказилган зарарни қоплашнинг амалдаги механизми такомиллаштирилди.

Президентимизнинг 2022 йил 24 августдаги “Мулк ҳуқуқининг дахлсизлигини ишончли ҳимоя қилиш, мулк деб топиш амалиёти жорий этилди. Давлат ва жамият эҳтиёжлари учун ер участкаларининг олиб қўйилиши муносабати билан жисмоний ва юридик шахсларга етказилган зарарни қоплашнинг амалдаги механизми такомиллаштирилди.

Президентимизнинг 2022 йил 24 августдаги “Мулк ҳуқуқининг дахлсизлигини ишончли ҳимоя қилиш, мулк деб топиш амалиёти жорий этилди. Давлат ва жамият эҳтиёжлари учун ер участкаларининг олиб қўйилиши муносабати билан жисмоний ва юридик шахсларга етказилган зарарни қоплашнинг амалдаги механизми такомиллаштирилди.

Президентимизнинг 2022 йил 24 августдаги “Мулк ҳуқуқининг дахлсизлигини ишончли ҳимоя қилиш, мулк деб топиш амалиёти жорий этилди. Давлат ва жамият эҳтиёжлари учун ер участкаларининг олиб қўйилиши муносабати билан жисмоний ва юридик шахсларга етказилган зарарни қоплашнинг амалдаги механизми такомиллаштирилди.



Шербек НАЗАРОВ, Олий суд бўлим бошлиғи

нинг ишончли ҳимоясини яратиш, ушбу ҳуқуқларни чеклаётган омиллари бар-тароф этиш бўйича бир қатор муҳим чоралар белгиланди.

(Давоми 4-бетда) ►

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 27 апрель куни иккинчи Тошкент халқаро инвестиция форуми доирасида Ислом тараққиёт банки президенти Муҳаммад бин Сулаймон ал-Жассир, Қирғиз Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Раиси – Президент Администрацияси раҳбари Ақилбек Жапаров, Бирлашган Араб Амирликлари энергетика ва инфратузилма вазири Сухайл ал-Мазруий, Венгрия иқтисодий тараққиёт вазири Мартон Надь, Саудиянинг “ACWA Power” компанияси бошқаруви раиси Муҳаммад Абдулла Абунайян ва БМТ Бош котибининг ўринбосари, Европа иқтисодий комиссияси (ЕИК) Ижрочи котиби Ольга Алгаерова билан учрашувлар ўтказди.

ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ ХОРИЖИЙ ДЕЛЕГАЦИЯЛАР РАҲБАРЛАРИНИ ҚАБУЛ ҚИЛДИ

Ислом тараққиёт банки президенти Муҳаммад бин Сулаймон ал-Жассир билан учрашувда янги ўрта муддатли шериклик дастури доирасида Банк гуруҳи билан кенг қўламли ҳамкорликни янада кенгайтириш масалалари муҳокама қилинди.

Бугунги кунда қўшма лойиҳалар портфели иқтисодиётнинг устувор тармоқларини қамраб олган ҳолда 1,3 миллиард доллардан ошгани мамнуният билан қайд этилди. Форум доирасида қишлоқ ва транспорт инфратузилмасини модернизация қилиш, мактабгача таълимни ривожлантириш бўйича лойиҳаларни амалга ошириш юзасидан умумий қиймати 400 миллион долларлик битимлар имзоланди.

Учрашувда амалий ҳамкорликни ривожлантириш, тадбиркорлик ва хусусий инвестицияларни қўллаб-қувватлаш, молиявий воситаларни такомиллаштириш, Банк тузилмаларини лойиҳа ишларига фаол жалб қилиш борасида аниқ лойиҳаларни илгари суриш, шунингдек, мамлакатимизнинг ЖСТга қўшилиши ва инновацияни экотизимни яратиш масалаларида техник кўмакни кенгайтиришга алоҳида эътибор қаратилди.

Қирғиз Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Раиси – Президент Администрацияси раҳбари Ақилбек Жапаров билан учрашувда Ўзбекистон – Қирғизистон кўп қиррали ҳамкорликка оид амалий жиҳатлар муҳокама қилинди. Икки томонлама муносабатларнинг бугунги юксак даражаси мамнуният билан қайд этилди. Жадал мулоқотлар давом эттирилмоқда, муҳим иқтисодий лойиҳалар ва гуманитар дастурлар амалга оширилмоқда.

Яқинда Уш шаҳрида Заҳриддин Муҳаммад Бобур номидаги театрининг янгиланган биноси тантанали очилди, Қўқон шаҳрида эса спортчиларнинг спартакиадаси муваффақиятли ўтказилди. Худудлар форуми ва Авлодлар учрашувини ўтказишга пухта тайёргарлик кўрилмоқда.

Давлатимиз раҳбари автомобилсозлик, энергетика, транспорт инфратузилмаси, пойтахтларда савдо уйлари очиш бўйича кооперация лойиҳаларини тезлаштириш зарурлигини таъкидлади. Бирлашган Араб Амирликлари энергетика ва инфратузилма вазири Сухайл ал-Мазруий билан учрашувда Ўзбекистон – БАА кўп қиррали ҳамкорлиги доирасидаги лойиҳаларни илгари суриш масалалари кўриб чиқилди.

Музокаралар аввалида вазир ал-Мазруий давлатимиз раҳбарига Президент Шайх Муҳаммад Ол Наҳаён ва Вице-президент, Бош вазир, Дубай Амири Шайх Муҳаммад Ол Мактумнинг саломини etkazди.

Икки томонлама муносабатлар ривожининг бугунги юқори суръати катта мамнуният билан қайд этилди.

Кейинги бир неча йилда товар айирбошлаш икки баробар ошди, 50 та янги корхона ташкил этилди, инвестиция лойиҳалари портфели 3 миллиард доллардан ортди. Қўшма инвестиция компанияси муваффақиятли фаолият юритмоқда.

Бўлажак олий даражадаги

учрашувларга тайёргарлик кўриш ва уларни аниқ мазмун билан бойитиш мақсадида Ўзбекистон етакчи “Яшил иқтисодиёт”, энергетика, транспорт ва логистика, қишлоқ хўжалиги, инфратузилма ва бошқа устувор йўналишларда истиқболли лойиҳаларни илгари суриш муҳимлигини таъкидлади.

Венгрия иқтисодий тараққиёт вазири Мартон Надь билан учрашувда мамлакатларимиз ўртасидаги савдо-иқтисодий ҳамкорликни янада ривожлантиришнинг биринчи галдаги чора-тадбирлари муҳокама қилинди.

Тадбиркорлар ва худудлар даражасидаги кооперацияни тубдан кенгайтиришга алоҳида эътибор қаратилди.

Яқин ойларда тўғридан-тўғри авиакатновларни йўлга қўйиш, чуқурлашган саноат кооперацияси учун мўлжалланган тузилма шартларини тез фурсатда келиши ва фаолиятини бошлаш муҳим экани таъкидланди.

Қишлоқ хўжалиги, фармацевтика, транспорт ва коммуникациялар, самарали молиявий воситаларни яратиш борасидаги лойиҳаларни тайёрлаш ва амалга ошириш ишларини тезлаштиришга келишиб олинди.

Саудиянинг “ACWA Power” компанияси бошқаруви раиси Муҳаммад Абдулла Абунайян билан учрашувда жорий лойиҳаларни амалга ошириш масалалари ва шерикликни тубдан кенгайтириш имкониятлари кўриб чиқилди.

Давлатимиз раҳбари Ўзбекистоннинг “Яшил энергетика” тармоғи ривожига энг кўп сармоя киритаётган ушбу компания билан ҳамкорлик сермахсул бўлаётганини мамнуният билан қайд этди.

Бугунги кунда муқобил энергетика соҳасида 7,5 миллиард долларлик лойиҳалар амалга оширилмоқда. Бундан ташқари, қуёш ва шамол электр станцияларини қуриш, “Яшил водород” ишлаб чиқариш бўйича янги лойиҳалар фаол тайёрланмоқда.

Суҳбат чоғида кооперацияни янада чуқурлаштириш, биринчи навбатда инновацион лойиҳаларни, жумладан, Ўзбекистон – Саудия Ишбилармонлар кенгаши доирасида илгари суриш истиқболлари муҳокама қилинди.

БМТ Бош котибининг ўринбосари, Европа иқтисодий комиссияси (ЕИК) Ижрочи котиби Ольга Алгаерова билан учрашувда Барқарор ривожланиш мақсадларига тезкор эришиш борасида БМТ институтлари, шу жумладан, ЕИК билан кўп қиррали ҳамкорликни ривожлантириш масалалари кўриб чиқилди.

Марказий Осиё минтақаси мамлакатлари учун махсус дастур доирасида самарали ҳамкорлик қилинаётгани мамнуният билан қайд этилди. Томонлар Ўзбекистоннинг Жаҳон савдо ташкилотига аъзо бўлиши ҳамда “Яшил макон” дастурини, юк ташиларни рақамлаштириш ва тўқимачилик саноати лойиҳаларини амалга ошириш масалаларида алмашинувларни давом эттиришдан манфаатдор эканини таъкидлади.

Суҳбатда БМТ ЕИК билан устувор йўналишларда ҳамкорликни янада кенгайтириш масалалари ҳам муҳокама қилинди.

ЎЗА

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН ИНВЕСТИЦИЯЛАР УЧУН ЯНАДА ҚУЛАЙ МАМЛАКАТГА АЙЛанади

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг иккинчи Тошкент халқаро инвестиция форумининг очилиш маросимидаги нутқи

◀(Бошланиши 1-бетда)

Ташқи савдо ва рақобат муҳитини янги босқичга олиб чиқиш, янги-янги бозорларга кириш мақсадида биз Жаҳон савдо ташкилотига қўшилиш борасидаги ишларимизни жадаллаштирдик.

Алоҳида таъкидлаб ўтмоқчиман, Жаҳон савдо ташкилоти талаблари ислохотларимиз мазмунига тўла мос ва биз ушбу нуфузли ташкилотга тезкор аъзо бўлиб киришдан манфаатдоримиз.

Ҳозирги вақтда аъзо мамлакатлар билан музокаралар олиб бориш ҳамда миллий қонунчиликни Жаҳон савдо ташкилоти қоидалари билан уйғунлаштириш қизғин босқичда. Йил якунига қадар сезиларли натижаларга эришиш бўйича аниқ режаларни олганмиз.

Ижро ҳокимияти тизимида бюрократияни камайтириш, коррупцияни йўқ қилиш, ихчам, самарали бошқарувни жорий этиш мақсадида дадил маъмурий ислохотни бошладик.

Бу борада барча вазирликлар ислох қилиниб, уларнинг сони 61 тадан 28 тага келтирилди, вазифа ва вазокатлари аниқ белгиланди.

Шунингдек, давлатнинг бизнесни тартибга солишга қаратилган 500 та функцияси бекор қилинди, 70 таси хусусий секторга давлат-хусусий шериклик ва аутсорсинг асосида ўтказилди.

Ҳозирги кунга қадар 132 та лицензия ва рухсат беришга оид ҳужжатлар бекор қилинди, 33 таси бўйича хабардор қилиш тартибига ўтилди.

Энг муҳими – ушбу ислохот доирасида инвесторлар билан ишлашнинг яхлит тизими жорий қилинди.

Инвестиция, саноат ва савдо вазирлигида лойиҳа ташаббусидан бошлаб, то уни ишга туширишгача бўлган барча жараёнларда инвесторларга “ягона дарча” орқали кўмаклашиш йўлга қўйилди.

Инвесторлар фаолиятига оид масалаларни тезкор ҳал этиш, уларнинг давлат раҳбари билан бевосита мулоқотини йўлга қўйиш мақсадида Президент ҳузурида Хорижий инвесторлар кенгаши иш бошлади.

Мен хорижий компаниялар вакиллари ва ишбилармонлар билан кўпроқ мулоқот қилишга интиланман. Сизларнинг ғоя, таклиф ва ташаббусларингиз менга куч-ғайрат беради, янги ислохотларга ундайди. Шу боис, янги-янги инвесторлар билан тез-тез учрашувлар ўтказишга, сизларнинг юртимиздаги ютуқларингизни шахсан кафолатлашга тайёрман.

Инвесторлар ҳуқуқларини ишончли ҳимоя қилиш бўйича ҳам ислохотларимиз жадал давом этмоқда. Чет эллик инвесторлар учун кўчмас мулк сотиб олиш, Ўзбекистонга келиб-кейтиш ва яшаш шартлари кескин соддалаштирилди.

Инвесторлар ҳуқуқларини суд орқали кафолатли ҳимоя қилиш борасида катта қадамлар қўйилмоқда. Бу борада маъмурий судларнинг нуфузи оширилди ва уларга катта ваколатлар берилди. Бундан буён тадбиркор ва инвесторлар судда ўз талабининг тўғрилигини исботлаши шарт эмас. Энди давлат идораси ўз қарорининг қонунийлигини исботлаб беришга мажбур бўлади. Юзага келган ҳар қандай ноаниқликлар эса инвесторлар фойдасига ҳал қилинади.

Қонунларимизда халқаро арбитраж судлари қарорларини мажбурий ижрога қаратиш механизмлари мустаҳкамлаб қўйилди.

Жорий йилда ҳам тадбиркорлар ҳуқуқини ҳимоя қилиш бўйича ислохотларимиз давом эттирилади. Жумладан, халқаро экспертлар кўмағида тарихимизда илк бор Халқаро тижорат суди фаолияти йўлга қўйилди.

Ислохотларимиз натижасида Ўзбекистоннинг минтақадаги иқтисодиёти энг юқори диверсификация қилинган мамлакат сифатидаги мақоми янада мустаҳкамланди.

Бир йилнинг ўзиде 100 мингга яқин янги корхоналар ташкил қилинди, киритилган хорижий сармояларнинг йиллик ҳажми 10 миллиард долларга етди ёки ислохотлар бошланган 2017 йилга нисбатан 3 баробар ошди, 1 миллионга яқин аҳоли камбағалликдан чиқарилиб, камбағаллик даражаси 17 фоиздан 14 фоизга туширилди. Эслатиб ўтаман, ислохотлар бошланган даврда бу кўрсаткич 30 фоиздан юқори эди.

Албатта, бу ютуқларда сиз, ҳурматли ҳамкорларимизнинг ўрни беқийс.

Охирги йилларда сизларнинг кўмагингиз билан мамлакатимизда минглаб замонавий корхоналар ташкил қилинди, йирик лойиҳалар амалга оширилди, йирик минглаб юқори даромадли янги иш ўринлари яратилди.

Фурсатдан фойдаланиб, ана шундай ютуқларга муносиб ҳисса қўшаётган барча хорижий ва маҳаллий инвесторларга, ҳамкор давлатлар ҳукуматларига, халқаро молия институтларига чуқур миннатдорлик ҳамда юксак ҳурмат ва эҳтиромимни билдираман.

Муҳтарам меҳмонлар! Ислохотларимиз жадал давом этиши, юртимизда бизнес эмин-эркин ривожланиши учун янада мустаҳкам ҳуқуқий пойдевор керак.

Хабарингиз бор, яқин кунларда Янги Ўзбекистоннинг янгиланаётган Конституцияси бўйича умумхалқ референдуми ўтказилади.

Энг аввало, янги Конституция-мизда Ўзбекистон – суверен, демократик, ҳуқуқий, ижтимоий ва дунёвий давлат экани алоҳида белгиланмоқда. Барча ўзгартиришларнинг туб негизига “инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари устувор” деган эзгу ғоя қўйилмоқда. Шунингдек, Конституция-мизда илк бор қулай инвестиция ва ишбилармонлик муҳитини таъминлаш, мулк дахлсизлиги, бозор муносабатларини ривожлантириш ва ҳалол рақобат учун шарт-шароитлар яратиш, суд мустақиллиги бўйича давлат ўзига мажбуриятлар олмоқда.

Ҳеч шубҳасиз, янги Конституция – биз бошлаган ислохотларни изчил давом эттириб, энг муҳими, уларга ортага қайтайдиган тус бериши муқаррар.

Қадрли дўстлар! Энди сизлар билан ҳамкорлигимизни кенгайтириш борасидаги янги имкониятларга тўхталсам.

Биринчидан, Ўзбекистон “Яшил иқтисодиёт”га ўтиш йўлини қатъий давом эттиради. Айниқса, “ACWA Power”, “Masdar”, “Total Eren” каби жаҳоннинг энг нуфузли компаниялари мамлакатимизда йирик қуёш ва шамол электр станциялари лойиҳаларини амалга оширмоқда. Шу йилнинг ўзиде 2 минг мегаваттдан зиёд, кейинги йилда эса 8 минг мегаваттлик қувватлар ишга тушади.

“Яшил иқтисодиёт” бизга саноатнинг янги йўналишларини ҳам олиб келмоқда. Қуёш панеллари, шамол турбиналари, инвертор ва бошқа электротехника маҳсулотларини ишлаб чиқарувчи корхоналар бар-

по этилмоқда. Бу – инвесторлар учун 8 миллиард долларлик имконият, дегани.

Сизларни шу каби лойиҳаларни амалга оширишга таклиф қиламиз ва бунинг учун барча шароитларни яратиб беришга тайёрмиз.

Иккинчидан, яқин-яқингача иқтисодиётнинг муҳим тармоқлари фақат давлат корхоналаридан иборат эди.

Ислохотларимиз натижасида олдинлари “ёпиқ” бўлган тармоқларга хусусий инвестициялар фаол кириб келмоқда. Биргина мисол, аввал 100 фоиз давлат тармоғи ҳисобланган авиация соҳасида хусусий секторга кенг йўл очилди. Жумладан, 5 та хусусий авиакомпания ташкил этилгани, Самарқанд аэропорти ташқи бошқарувга берилгани ҳисобига парвозлар сони 2,5 баробар ошди.

Биз транспорт соҳасида рақобат муҳитини яратишга қаратилган ислохотларни давом эттираемиз. Бу йил Андижон, Наманган, Бухоро ва Урганч аэропортлари бошқарувини ҳам хусусий секторга топшираемиз.

Темир йўл соҳасида ҳам катта ўзгаришларни бошлаяпмиз ва бунда инвесторлар фаол иштирок этишларини сўраб қоламан.

Шу билан бирга, тез ўсиб келаётган IT, туризм, таълим, тиббиёт каби соҳаларда Ўзбекистон минтақавий ҳабага айланиб бораётгани ҳам бу йўналишдаги катта имконият.

Ушбу режаларимизни амалга оширишда халқаро молия институтларининг кўмағига таянамиз. Мисол учун, Ислом тараққиёт банки бизга ишонч билдириб, давлат кафолатисиз 1,5 миллиард долларлик давлат-хусусий шериклик лойиҳалари бўйича жадал ишляпти. Бунинг учун форумда иштирок этаётган банкнинг президенти Муҳаммад бин Сулаймон ал-Жассир жанобларига алоҳида миннатдорлигимни билдираман.

Йўлайманки, бу ҳамкорлигимиз узоқ йиллар давом этади ва ҳар икки томон учун манфаатли бўлади.

Умуман, бу йил давлат-хусусий шерикликни жорий қилиш бўйича 14 миллиард долларлик алоҳида дастурлар халқаро молия институтлари кўмағида ишлаб чиқилди. Булар давлат учун муҳим бўлган транспорт, коммунал ва сув хўжалиги, соғлиқни сақлаш каби тармоқларни қамраб олади ва улар бўйича ушбу форум доирасида сизларга аниқ лойиҳалар тақдим этилади.

Учинчидан, биз бу йил давлат мулкни хусусийлаштириш бўйича “1 минг + 1 минг + 40” дастурини қабул қилдик.

Бу дегани 1 мингта корхонадаги давлат улушлари ҳамда яна 1 мингта давлатга тегишли кўчмас мулк объектлари очиқ аукцион савдоларига чиқарилади, иқтисодиётимиз учун стратегик аҳамиятга эга 40 та корхона IPO га олиб чиқилади. Жумладан, олтин, мис ишлаб чиқарувчи йирик корхоналар, телекоммуникация ва суғурта компаниялари ҳамда банклар акциялари инвесторларга таклиф этилади.

Тўртинчидан, биз индустриал ривожланишни янги босқичга олиб чиқишга устувор аҳамият берамиз.

Масалан, ҳозирги кунда тўқимачилик, чарм-пойабзал, қурилиш материаллари, электр техникаси, машинасозлик тармоқлари етарли хомашё базаси ва малакали кадрларга эга. Яъни, шу соҳаларда “катта сакраш” қилиб, улардаги ишлаб чиқариш ва экспортни 2 баробар ошириш учун етарли им-

кониятлар бор. Бунинг учун бизга йирик брендлар билан ҳамкорлик, ташқи бозорларга чиқиш, инновация ва замонавий технологиялар керак.

Буларни олиб келадиган инвесторларга биз барча шароитларни яратиш, алоҳида технопарк ҳамда саноат зоналари ташкил қилиш ва бошқа қўшимча имтиёزلарни яратиб беришга тайёрмиз. Бу борада вазирларга топшириқ берганман. Улар сизларга форум сессиялари давомида 160 та йирик ва ўзаро манфаатли лойиҳаларни тақдимот қилади.

Бешинчидан, биз Марказий Осиёда яхши қўшничилик сиёсатини давом эттириб, иқтисодий ҳамкорликни янада ривожлантириш бўйича қўшни давлатлар билан фаол ишляпмиз.

Ушбу мақсадларда қўшма инвестиция фондларини ташкил қилиб, саноат, энергетика, транспорт ва сув хўжалиги соҳаларида йирик минтақавий лойиҳаларни амалга оширяпмиз.

Иқтисодиётларимизнинг “бир-бирини тўлдириши” тамойили асосида саноат ва агро кооперацияларини қатъий давом эттираемиз.

Бугунги форумда қўшни Қирғиз Республикаси ҳукумати раҳбари Ақилбек Жапаровни кўриб турганимдан хурсандман. Биз учун қардош бўлган Қирғизистон билан ҳамкорлик натижасида сўнгги йилларда ўзаро товар айирбошлаш ҳажми 5 баробар ва қўшма корхоналар сони 8 баробар ошди. Хусусан, тўқимачилик, автомобилсозлик, геология, кимё саноати, қишлоқ ва сув хўжалиги, чорвачилик каби йўналишларда биргаликда катта-катта лойиҳаларни бошладик.

Буларнинг барчаси 2021 йилда ташкил этилган Ўзбекистон – Қирғизистон тараққиёт жамғармаси томонидан молиялаштирилмоқда.

“Қамбарота ГЭС-1” ва “Хитой – Қирғизистон – Ўзбекистон” темир йўлини қуриш лойиҳалари бўйича ҳам ишлар жадал давом этмоқда.

Шу ўринда минтақамиз давлатлари ўртасидаги ҳамкорликни юксалтириш бўйича бу ташаббусларни фаол қўллаб-қувватлаётган қўшни давлатлар ҳукуматлари вакиллари, йирик компаниялар раҳбарлари ва тадбиркорларига алоҳида миннатдорлик билдираман.

Ҳурматли анжуман иштирокчилари!

Сизларнинг бугунги форумда қатнашаётганингиз ва мамлакатимизда бизнес юритиш учун катта қизиқиш билан қараётганингизни юксак қадрлаймиз.

Ҳеч шубҳасиз, бугунги форум барчамиз учун янги-янги имкониятларни очиб беради.

Ишончим комил, бўлиб ўтадиган мулоқотлар орқали сизлар Янги Ўзбекистондаги бизнес учун беқийс имкониятларни кашф қиласизлар.

Сизлар ўзингиз истаган тинчлик ва барқарорлик, қулай инвестиция муҳити ҳамда зарур кафолатларни айнан бизнинг юртимизда топасиз. Бунга мен Президент сифатида кафолат бераман. Янги Ўзбекистон Сизнинг бизнес фаолиятингизда алоҳида ёрқин из қолдирадиган макон бўлиб хизмат қилади, деб ишонаман.

Барчангизга келгуси фаолиятингизда омад ва улкан зафарлар ёр бўлсин!

Форум ишида ўзаро манфаатли келишувларга эришишни тилаб қолам.

Эътиборингиз учун раҳмат.

Ўзбекистон Республикаси Президентини Шавкат Мирзиёев 27 апрель кuni иккинчи Тошкент халқаро инвестиция форумининг ялпи мажлисида иштирок этди.

Ўтган йили илк бор ўтказилган форум ишбилармон доиралар томонидан юқори баҳоланган эди ва у яхши аънамага айланиб бормоқда. Бу йилги анжуманда Қирғиз Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Раиси – Президент Администрацияси раҳбари Ақилбек Жапаров, Ислон тараққиёт банки президенти Мухаммад бин Сулаймон ал-Жассир, БМТ Бош котиби ўринбосари Ольга Алгаерова, Бирлашган Араб Амирликлари энергетика ва инфратузилма вазири Сухайл ал-Мазруий, Венгриянинг иқтисодий тараққиёт вазири Мартон Надь, "ACWA Power" компанияси бошқаруви раиси Мухаммад Абдулла Абунайян қатнашмоқда. Умуман, форумда 70 мамлакатдан 2 минг 500 га яқин бизнес ва молия соҳаси вакиллари иштирок этмоқда.

Давлатимиз раҳбари ўзининг аввалида барча иштинроқчиларни қутлаб, бу форум икки ва кўп томонлама ҳамкорликни мустаҳкамлашга, янги бизнес имкониятларини кашф этишга хизмат қилишини таъкидлади. Мамлакатимизда иқтисодиётни янада эркинлаштириш, бизнесга кенг йўл очиш, бу борада қонун устуворлиги ва ҳуқуқий кафолатларни мустаҳкамлаш бўйича қилинаётган ишлар қайд этилди.

Жумладан, қулай фискал тизим яратилди. Қўшилган қиймат солиғи ставкаси 12 фоизга туширилди. Хорижий инвесторлар акцияларидан оладиган дивидендлар уч йил муддатга фойда солиғидан озод қилинди. Мухими – солиқ ва божхона қонунлари янги ёки оғирлаштирувчи жавобгарлик чоралари киритилмаслиги қатъий белгилаб қўйилди.

Таъкид қилинди, инвесторлар учун зарур бўлган 7 миңдан зиёд хомашё ва товарларга божхона божлари бекор қилинди. Божхона ҳудудида қайта ишлашнинг соддалашган тартиби жорий этилди. Янги-янги бозорларга кириш мақсадига Ўзбекистоннинг Жаҳон савдо ташкилотига қўшилиш жараёни жаддалаштирилмоқда.

Ижро ҳокимияти тизими ислоҳ қилиниб, бюрократия камайтирилди. Давлатнинг

ТОШКЕНТ ХАЛҚАРО ИНВЕСТИЦИЯ ФОРУМИ ЯНГИ БИЗНЕС ИМКОНИЯТЛАРИНИ КАШФ ЭТАДИ



бизнесни тартибга солишга қаратилган 500 та функцияси бекор қилинди, 70 таси хусусий секторга давлат-хусусий шериклик ва аутсорсинг асосида ўтказилди.

Ҳозирги кунга қадар 132 та лицензия ва рухсат беришга оид ҳужжатлар бекор қилинди, 33 таси бўйича хабардор қилиш тартиби киритилди.

Энг муҳими – ушбу ислохот доирасида инвесторлар билан ишлашнинг яхлит тизими жорий қилинди. Инвестиция, саноат ва савдо вазирлигида лойиҳа ташаббусидан бошлаб, то уни ишга туширишгача бўлган барча жараёнларда инвесторларга "ягона дарча" орқали кўмаклашиш йўлга қўйилди.

Инвесторлар масалаларини тезкор ҳал этиш, уларнинг давлат раҳбари билан бевосита мулоқотини йўлга қўйиш мақсадига Президент хузурида Хорижий инвесторлар кенгаши иш бошлади.

Ишбилармонлар ҳуқуқларининг ҳимояси кучайтирилди. Чет эллик инвесторлар учун кўчмас мулк сотиб олиш, Ўзбекистонга келиб-кейтиш ва яшаш шартлари кескин соддалаштирилди.

Инвесторлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш борасида маъмурий судларга катта ваколатлар берилди. Бундан буён, тадбиркор ва инвесторлар судда ўз талабининг тўғрилигини исботлаш шарт эмас. Энди, давлат идораси ўз қарорининг қонунийлигини исботлаб беришга мажбур бўлади. Юзага келган ҳар қандай ноаниқликлар эса инвесторлар фойдасига ҳал қилинади. Бу йил юртимизда илк бор Халқаро тижорат суди фаолияти йўлга қўйилди.

Бундай иқтисодий имкониятлар ва кафолатлар ўз натижасини бермоқда. Бир йилнинг ўзига мамлакатимиз-

да 100 миңга яқин янги корхоналар ташкил қилинган. Кирилган хорижий сармоялар ҳажми 10 миллиард долларга етди ёки 2017 йилга нисбатан 3 баробарга ошган.

Президент бу ишлар жадал давом эттирилишини таъкидлади. Яқин кунларда умумхалқ референдумига қўйилаётган янги Конституцияда бунинг ҳуқуқий асослари белгиламоқда. Жумладан, давлат қулай инвестиция ва ишбилармонлик муҳитини таъминлаш, мулк дахлсизлиги, бозор муносабатларини ривожлантириш ва ҳалол рақобат учун шарт-шароитлар яратиш бўйича ўзига мажбуриятлар олмоқда.

Давлатимиз раҳбари ўз нутқида Ўзбекистон билан ҳамкорликни кенгайтириш борасида янги имкониятларга тўхталиб ўтди.

Биринчиси, "яшил иқтисодиёт". Мамлакатимизда жаҳоннинг энг нуфузли компаниялари қуёш ва шамол электр станциялари лойиҳаларини амалга оширмоқда. Шу йилнинг ўзига 2 миң мегаваттдан зиёд, кейинги йилда эса, 8 миң мегаваттлик қувватлар ишга тушади.

"Яшил иқтисодиёт" саноатининг янги йўналишларига ҳам туртки бермоқда. Бу – инвесторлар учун 8 миллиард долларлик имконият, дегани.

Иккинчи йўналиш, давлат-хусусий шериклик. Ислохотлар натижасида, олдинлари "ёпик" бўлган тармоқларга хусусий инвестициялар фаол кириб келмоқда. Масалан, аввал 100 фоиз давлат тармоғи ҳисобланган авиация соҳасида хусусий секторга кенг йўл очилди. Шу билан бирга, тез ўсиб келаётган ахборот технологиялари, туризм, таълим, тиббиёт каби соҳаларда Ўзбекистон минтақавий

хабга айланиб бормоқда.

Умуман, бу йил давлат-хусусий шерикликни жорий қилиш бўйича 14 миллиард долларлик алоҳида дастурлар ишлаб чиқилган. Улар давлат учун муҳим бўлган транспорт, коммунал ва сув хўжалиги, соғлиқни сақлаш каби тармоқларни қамраб олган.

Учинчи йўналиш, давлат мулкни хусусийлаштириш. Жорий йилда бу бўйича "1 миң + 1 миң + 40" дастури қабул қилинди. Яъни, миңга корхонадаги давлат улушлари ҳамда яна миңга давлатга тегишли кўчмас мулк объектлари очик аукцион савдоларига чиқарилади, 40 та стратегик корхона "IPO" га олиб чиқилади.

Тўртинчи йўналиш, индустриал ривожланиш. Бугунги кунда Ўзбекистон тўқимачилик, чарм-лойибазал, қурилиш материаллари, электр техникаси, машинасозлик тармоқларида етарли хомашё ва малакали кадрларга эга. Бу соҳаларда ишлаб чиқариш ва экспортни 2 баробар ошириш учун етарли имкониятлар бор. Бунинг учун йирик брендлар билан ҳамкорлик, ташқи бозорларга чиқиш, инновация ва замонавий технологиялар керак.

Бешинчи йўналиш, қўшни давлатлар билан ҳамкорлик. Ҳозирда қўшма инвестиция фондлари ташкил қилиниб, саноат, энергетика, транспорт ва сув хўжалиги соҳаларида йирик минтақавий лойиҳалар амалга оширилмоқда. Мамлакатларимиз иқтисодиёти бир-бирини тўлдиришни инobatга олиб, саноат ва агрокооперацияларини давом эттириш зарур.

Президентимиз Ўзбекистон инвесторлар учун ҳуқуқий кафолат, алоҳида технопарк ва саноат зоналари, қўшимча имтиёзлар беришга тайёрли-

гини билдирди.

– Мулоқотлар орқали Янги Ўзбекистондаги бизнес учун беқиёс имкониятларни кашф қиласизлар. Сизлар ўзингиз истаган тинчлик ва барқарорлик, қулай инвестиция муҳити ҳамда зарур кафолатларни айнан бизнинг юртимизда топасиз. Янги Ўзбекистон Сизнинг бизнес фаолиятингизда алоҳида ёрқин из қолдирадиган макон бўлиб хизмат қилади, деб ишонаман, – дея таъкидлади Шавкат Мирзиёев.

Сессия давомида халқаро молия ташкилотлари раҳбарлари сўзга чиқиб, Ўзбекистонга инвестиция киритиш истиқболлари юзасидан ўз фикр-мулоҳазаларини билдирдилар.

Форумнинг шўба мажлисларида жаҳон иқтисодиётининг рецессия эҳтимоллари, замонавий монетар сиёсат, савдони молиялаштириш, инфратузилмани ривожлантириш, транспорт ва муқобил энергетикага инвестиция киритиш мавзулари муҳокама қилинади. Шунингдек, халқаро молия марказлар ташкил этиш тажрибасини таъкид этиш, давлат корхоналарини трансформация қилиш, қишлоқ хўжалиги, соғлиқни сақлаш, таълим, туризм соҳаларини ҳамда электрон тижоратни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилади.

Форум доирасида хорижий шерикларга Ўзбекистон ҳудудларининг инвестиция салоҳияти ва 160 дан ортиқ йирик лойиҳалар тақдирини қилинади. Инвестиция ва савдо битимларини имзолаш маросимлари бўлади.

Тошкент халқаро инвестиция форуми 28 апрель кuni аяқунланади.

ЎЗА

Конституция – бошқа ҳуқуқий ҳужжатлардан устуңлиги, олий юридик кучга ээлиги каби эҳситлари билан ажралиб туради. Қолаверса, ўз мазмуни ва ижтимоий вазифасига кўра давлатнинг моҳиятини таърифловчи, унинг ташкилий тузилишини ифодаловчи, давлат сиёсатининг асосларини белгиловчи ҳужжат ҳисобланади.

ЎЗБЕКИСТОН – ИЖТИМОЙ ДАВЛАТ



Янгиланаётган Ўзбекистон Конституцияси бу талабларга қанчалик жавоб бера олади? Бу саволга Олий суд судьяси Дилбар Исроилова жавоб берди:

– Ўзбекистон ижтимоий давлат ва адолатли жамият куриш сари дадил бормоқда. Шу сабабли Конституцияда "Ўзбекистон – ижтимоий давлат" деган тамойил конституциявий қоида сифатида муҳрланмоқда.

Ижтимоийлик – бу инсонга эътибор ва ғамхўрлик деган маънони билдиради. Ушбу тамойилдан келиб чиқиб Конституцияда давлатнинг ижтимоий соҳадаги мажбуриятлари билан боғлиқ нормалар уч баробарга ошмоқда.

Масалан, Конституцияда ҳар кимнинг уй-жойли бўлиш ҳуқуқи, ҳеч ким суднинг қарорисиз ва қонунга номувофиқ ҳолда уй-жойидан маҳрум этилиши мумкин эмаслиги, уй-жойидан маҳрум этилган мулкдорга уй-жойнинг қиймати ҳамда у қўрган зарарларни ўрни қонунда назарда тутилган ҳолларда ва тартибда олдиндан ҳамда тенг қийматда қопланиши таъминланиши кафолатланмоқда.

Шунингдек, халқимизнинг кафолатланган бепул тиббий хизматлардан фойдаланиш ҳуқуқи қатъий белгиланиши билан бирга, аҳоли саломатлигини асраш билан боғлиқ нормалар тўрт бараварга, таълим ва илм-фанга оид нормалар қарийб икки бараварга ошмоқда.

Ёшларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини тўла таъминлаш мақсадига ёшларга оид давлат сиёсати, ўғил-қизларимизни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш масаласи, уларнинг ҳуқуқ ва бурчлари конституциявий даражада ўз аксини топиб, Конституцияда ёшлар масалалари бўйича алоҳида боб киритилмоқда.

Унга кўра, давлат ёшлар ҳуқуқлари ҳимояланиши ва уларнинг жамият ҳаётида фаол иштирокини рағбатлантиришни кафолатлаш, ёшларда қадриятларимизга содиқлик, ватанпарварлик туйғулари шаклланишига ғамхўрлик қилишини белгилаш баробарида ёшларнинг таълим олиши, ижтимоий ва тиббий ҳимояси, уй-жойли бўлиши, бандлиги учун шарт-шароитлар яратиш – давлатнинг конституциявий мажбурияти сифатида белгиланапти.

Ғуқароларнинг олийгоҳларда давлат гранти ҳисобидан ўқиш ҳуқуқи белгиламоқда. Янгиланаётган Конституцияга ушбу норманинг киритилиши мамлакатимизда олиб борилаётган сиёсат инсонга эътибор ва ғамхўрлик руҳида эканини англатади. Ёшларимиз ва келажак авлоднинг нафақат бошланғич таълим йўналиши

бўйича, балки олийгоҳларда ҳам бепул таълим олишини ҳуқуқий жиҳатдан кафолатлаш уларга кўрсатилаётган катта ғамхўрлик ифодасидир. Маълумки, илгари боланинг соғлиғига, хавфсизлигига, жисмоний, ақлий ва маънавий жиҳатдан тўлақонли ривожланишига, нормал таълим олишига салбий таъбир кўрсатса ҳамки, болалар меҳнатидан фойдаланиб келган.

Кейинги олти йил ичида эса бола меҳнатининг юқоридида қайд этилган салбий оқибатларини инobatга олган ҳолда ушбу йўналишда ҳам ижобий ўзгаришлар амалга оширилди ва болалар меҳнатидан тўлиқ воз кечилди. Албатта, бу йўналишда олиб борилган сиёсатнинг ортага қайтмаслигини ҳуқуқий жиҳатдан кафолатлаш муҳимдир.

Шу мақсадда Конституциямизга болалар меҳнатининг боланинг соғлиғига, хавфсизлигига, жисмоний, ақлий ва маънавий жиҳатдан тўлақонли ривожланишига хавф солуви, шу жумладан, унинг таълим олишига тўсқинлик қилувчи ҳар қандай шакллари тақиқланиши ҳақидаги конституциявий норма киритилмоқда.

Ижтимоий давлатга хос ён-дашувлар меҳнатга ҳақ тўлаш соҳасини ҳам ўз ичига қамраб олмоқда. Жумладан, ҳар кимнинг меҳнати учун ҳеч қандай камситишларсиз ҳамда меҳнатга ҳақ тўлашнинг белгилаш энг кам миқдоридан кам бўлмаган тарзда адолатли ҳақ олиш ҳуқуқи, меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдори инсоннинг муносиб турмуш даражасини таъминлаш зарурати ҳисобга олинган ҳолда белгиланиши, пенсия конституциявий даражада ўз аксини топиб, Конституцияда ёшлар масалалари бўйича алоҳида боб киритилмоқда.

Унга кўра, давлат ёшлар ҳуқуқлари ҳимояланиши ва уларнинг жамият ҳаётида фаол иштирокини рағбатлантиришни кафолатлаш, ёшларда қадриятларимизга содиқлик, ватанпарварлик туйғулари шаклланишига ғамхўрлик қилишини белгилаш баробарида ёшларнинг таълим олиши, ижтимоий ва тиббий ҳимояси, уй-жойли бўлиши, бандлиги учун шарт-шароитлар яратиш – давлатнинг конституциявий мажбурияти сифатида белгиланапти.

Ғуқароларнинг олийгоҳларда давлат гранти ҳисобидан ўқиш ҳуқуқи белгиламоқда. Янгиланаётган Конституцияга ушбу норманинг киритилиши мамлакатимизда олиб борилаётган сиёсат инсонга эътибор ва ғамхўрлик руҳида эканини англатади. Ёшларимиз ва келажак авлоднинг нафақат бошланғич таълим йўналиши

Юқоридида қайд этилган нормалар Конституциянинг нақадар инсонга эътибор ва ғамхўрлик руҳида йўғрилганини, фақат ва фақат инсоннинг муносиб турмуш кечирини кафолатловчи халқчил ва ижтимоий йўналтирилган Конституция эканлигидан дамлолат беради.

ЎЗА муҳбири
НОРГУЛ АБДУРАИМОВА
ёзиб олди.

◀ (Бошланиши 1-бетда)

Улар қаторида тадбиркор Матлуба Топиболдиеванинг Рошидоний кўчасида жойлашган савдо дўкони ушбу қарор иловасига киритилмаган бўлса-да, бузиб юборилади. Оқибатда унга бино-иншоотлар учун тегишли компенсация ҳам тўланмайди. Шу боис М.Топиболдиева туман ҳокимлигининг ҳаракатидан норози бўлиб, Фарғона туманларо маъмурий судига мурожаат қилади. Суднинг 2022 йил 19 декабрдаги ҳал қилув қарори билан Риштон тумани ҳокимлиги масъул ходимларининг хатти-ҳаракатлари қонунга хилоф деб топилиб, ҳокимлик зиммасига М.Топиболдиевага тегишли савдо дўконини туман ҳокимининг юқоридида қайд этилган қарори билан тасдиқланган рўйхатга киритиш мажбурияти юклатилган.

Риштон тумани ҳокимлиги суднинг ҳал қилув қарори ижросини таъминлайди. Қолаверса, тадбиркор аёлга тегишли нотурар бино-иншоотлар давлат эҳтиёжлари учун бузилган, деб ҳисобланади. Адлия вазирлиги хузуридаги Х.Сулаймонова номдаги Республика суд экспертизаси маркази Фарғона вилояти бўлимининг 2022 йил 1 декабрдаги хулосасига асосан М.Топиболдиевага тегишли савдо дўконининг бозор баҳоси 2019 йил ойи ҳолатига кўра, 191.128.330 сўмга баҳоланган.

Қонун кўмағи

Тадбиркорга етказилган зарар суд томонидан ундириб берилди

Шундан сўнг тадбиркор аёл компенсация пулини ундиришда амалий ёрдам сўраб, Риштон тумани адлия бўлимига мурожаат қилди. Бинобарин, адлия бўлими томонидан унинг манфаатини кўзлаб, фуқаролик ишлари бўйича Риштон туманларо судига даъво аризаси киритилди.

Амалдаги Фуқаролик кодексининг 164-моддасига биноан, мулк ҳуқуқи шахсининг ўзига қарашли мол-мулкка ўз хоҳиши билан ва ўз манфаатларини кўзлаб эгаллик қилиш, ундан фойдаланиш ва уни тасарруф этиш, шунингдек, ўзининг мулк ҳуқуқини ким томонидан бўлмасин, ҳар қандай бузишни бартараф этишни талаб қилиш ҳуқуқидан иборат. Мулк ҳуқуқи муддатсиздир.

Ушбу кодекснинг 206-моддасида эса, давлат органининг мулкдор мол-мулкни олиб қўйишга бевосита қаратилмаган қарори муносабати билан, шу жумладан мулкдорга



қарашли уй, бошқа иморатлар, иншоотлар ёки экинлар жойлашган ер участкасини олиб қўйиш тўғрисидаги қарори муносабати билан мулк ҳуқуқининг бекор қилинишига қонунда белгиланган ҳоллар ва тартибдагина йўл қўйилади, бунда мулкдорга олиб қўйилган мол-мулкка тенг қимматли мол-мулк мулк ҳуқуқи асосида берилади ва унинг қўрган бошқа зарарлари тўланади ёки мулк ҳуқуқи бекор қилиниши билан етказилган зарар тўла ҳажда тўланиши белгиланган. Ана шу асосларга таянган суд Риштон тумани ҳокимлигидан М.Топиболдиева фойдасига 191.128.330 сўмни ундириш юзасидан ҳал қилув қарори қабул қилди.

Шу ўринда айтиб ўтиш керакки, айни пайтда мамлакатимизда доимий иш билан банд бўлган аҳолининг 85 фоизи айнан тадбиркорлик соҳасида фаолият юритмоқда. Шунинг учун ҳам Президентимиз тадбиркорларга "Фаровон ҳаётимиз бунёдкорлари" дея таъриф берган. Энг муҳими, соҳанинг ҳуқуқий ҳимояси кафолатлангани боис судлар томонидан тадбиркор ва ишбилармонларнинг ҳуқуқ ҳамда манфаатлари ишончли ҳимоя қилинмоқда. Зеро, қонун кўмағига таянган тадбиркор асло ютқазмайди.

Ойбек ЖИЯНОВ,
фуқаролик ишлари бўйича
Риштон туманларо
суди судьяси

30 АПРЕЛЬ — ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ РЕФЕРЕНДУМИ КУНИ

Хусусий мулк дахлсизлиги кафолатлари янгиланаётган Конституцияда янада кучайтирилмоқда



◀ (Бошланиши 1-бетда)

Биринчидан, мулк ҳуқуқни вужудга келтирган ҳужжатни бекор қилиш орқали ушбу ҳуқуқни тугатиш мумкин эмаслиги белгиланди. Агар ушбу ҳужжат ноқонуний қабул қилинган бўлса, фақат суд томонидан ҳақиқий эмас, деб топилши мумкин.

Иккинчидан, охириги 2,5 йилда 20 543 та ер участкаси гўёки “ердан ихтиёрий воз кечилгани ҳақидаги ариза”га асосан қабул қилинган ҳоким қарори билан захирага қайтарилган. Афсуски, амалда бундай қарорни ер эгасининг аризасини олмасдан ҳам қабул қилиш мумкин. Шу сабабли мазкур ҳолатларни бартараф этиш мақсадида ер участкасидан ихтиёрий воз кечилганда унга бўлган ҳуқуқнинг бекор қилинишини Вазирлар Маҳкамаси, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг қарори билан расмийлаштириш тартиб бекор қилинди. Бунда ер участкасидан ихтиёрий воз кечилган тўғрисида нотариал тасдиқланган ариза ушбу ер участкасига бўлган ҳуқуқларни бекор қилиш учун асос бўлиб ҳисобланади.

Шу билан бирга Фармонда гумон қилинувчи, айбланувчининг мулк ҳуқуқларига нисбатан “Хабас корпус” институтини қўллаш қўламини янада кенгайтириш белгиланди. Хорижий тажрибада шахснинг қамоққа олишга санкция бериш сингари унинг мулкни хатлаб қўйиш ҳам судлар ваколатига берилган. Эндиликда мамлакатимизда ҳам суриштирувчи ва терговчининг мол-мулкни хатлаш билан боғлиқ қарорларини судда кўриб чиқиш тартибини жорий этилди.

Иқтисодий ва инсон ҳуқуқлари соҳаларидаги юзлаб чекловларнинг олиб ташлангани, хусусий мулк устуворлигини асосий тамойил сифатида белгилангани, нақд пул, валюта, кредит масалаларидаги муаммолар ҳал қилингани ва бошқа ижобий ҳақиқатларни конституциявий ҳимоясини таъминлашга зарурат туғилди.

Шу муносабат билан янгиланаётган Конституцияда аҳолимиз кутаётган янгиликлардан бири сифатида хусусий мулк дахлсизлиги, мулкдорлар ҳуқуқ ва қонуний манфаатларининг ҳимояси кучайтирилмоқда. Жумладан, мамлакатимизда барча мулк шаклларидаги тенг ҳуқуқлилиги ва ҳуқуқий жиҳатдан ҳимоя қилиниши қатъий белгиланиб, давлат қулай инвестициявий ва ишбилармонлик муҳитини таъминлаши белгиланмоқда. Мазкур норма мамлакат иқтисодига тўғриватган тўғри инвестицияларни жалб этишни рағбатлантириш, инвесторларнинг ишончини мустаҳкамлаш, тадбиркорлар ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини кафолатли ҳимоя қилишга ҳисса қўшади.

Тадбиркорларнинг қонунийликка мувофиқ ҳар қандай фаолиятни амалга ошириш ва ўз фаолияти йўналишларини мустақил равишда танлашга ҳақли эканлиги эркин бозор иқтисодиётининг энг муҳим талабини ўзида ифода этиб, тадбиркорлик фаолиятини давлат томонидан тартибга солишининг асосий мезонларини конституциявий даражада мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Янги таҳрирдаги Конституцияда илк мартабада ер хусусий мулк бўлиши мумкинлиги назарда тутилмоқда. Ушбу норма янги таҳрирдаги Конституциядаги туб янгиликлар-

дан бири сифатида мулкчилик муносабатларидаги бўшлиқни тўлдирди. Чунки узоқ йиллар мобайнида Ўзбекистонда ерга нисбатан хусусий мулкнинг тўлиқ жорий этилмагани ҳақиқий мулкдорлар қатламини етарлича шаклланмаслиги, ерни ҳақиқий товар сифатида бозор муомаласига киритилмаслиги ҳамда хорижий инвесторларнинг миллий иқтисодиётга нисбатан ишончи пасайишига олиб келди.

Ернинг хусусий мулк сифатида эътироф этилиши натижасида хусусийлаштирилган ер участкаси мулкдори ерни сотиш, ҳада қилиш, айирбошлаш, гаровга қўйиш, мерос қилиш қолдириш каби ҳуқуқларни қўлга киритади.

Энг муҳими, хусусий мулк бўлган ерни давлат фақат мулкдорнинг розилиги билан, шартнома асосида, бозор нарҳида жамоат эҳтиёжлари учун қайта сотиб олиши мумкин. Асосийси, ер ва ундаги уй-жойлар “снос”га тушиб кетмайди, давлат ерни келишилган нарҳда сотиб олсагина у бегоналаштирилиши мумкин.


Бундан ташқари ерга нисбатан хусусий мулк тадбиркорларнинг кредит лаёқатлилиги даражасини орттиришга ҳам хизмат қилади ҳамда мол-мулкни оқилона бошқариш орқали даромадларни кўпайтириш имконини беради. Ернинг хусусий мулк сифатида эътироф этилиши мулкдорлар қатламининг кенгайиши, ер бозорининг ривожланиши, ер участкаларидан фойдаланиш бўйича иқтисодий самарадорликнинг ошишига хизмат қилади.

Шу билан бирга, ҳеч ким суднинг қарорисиз ва қонунга зид тарзда уй-жойдан маҳрум этилиши мумкин эмаслиги, уй-жойдан маҳрум этилган мулкдорга уй-жой ҳамда у қўриган зарарнинг ўрни қонунда назарда тутилган ҳолларда ва тартибда олдидан ҳамда тенг қийматда қоплангани таъминланиши белгиланапти.

Бунда уй-жой мулкдорларига нисбатан 2 турдаги муҳим конституциявий кафолат белгиланмоқда: суд кафолати ва уй-жойдан маҳрум этилганда компенсация олиш кафолати. Суд кафолати уй-жойга нисбатан мулк ҳуқуқини суднинг қарорисиз маҳрум этилишига йўл қўйилмаслигини аниқлатади. Ушбу кафолат уй-жойга нисбатан мулк ҳуқуқини мулкдорнинг хоҳишидан қатъий назар, мажбурий тарзда бекор бўлаётганда қўлланилиши назарда тутилган. Суд томонидан мулк ҳуқуқини бекор бўлишига сабаб бўлувчи ҳолатлар амалдаги қонун ҳужжатлари асосида кўриб чиқилади. Албатта, мазкур тартиб мулкдор ҳар қандай ҳолатда асосиз равишда мулк ҳуқуқидан маҳрум этилмаслигини кафолатлайди.

Иккинчи кафолат мулкдор иқтисодий манфаатлари ҳимоясига йўналтирилгани билан эътиборга молик. Ушбу норма қонунда белгиланган ҳолларда ва тартибда уй-жойдан маҳрум этилган мулкдорни шу уй-жой ва етказилган зарар учун тенг қийматда компенсация олишини кафолатлайди.

Хуллас, чинакам халқ Конституциясига айланаётган янги таҳрирдаги Конституцияда хусусий мулк дахлсизлиги таъминлашга қўламлиқни кучайтирилган мамлакатимиз таррақийтига катта ҳисса қўшади. Қолаверса, бу мулкдорлар ҳуқуқларини суд орқали ишончли ҳимоя қилиши янада кенгайтиради.



Фуқаролик жамияти институтларининг референдумда иштироки: халқаро тажриба ва миллий амалиёт

◀ (Бошланиши 1-бетда)

Референдумга санокли кунлар қолган ҳозирги вақтда ҳам фуқаролик жамияти институтлари, айниқса, сиёсий партиялар, маҳаллалар ҳамда илмий-тадқиқот институтларининг фаоллиги яққол сезилмоқда. Фуқаролик жамияти институтлари бир томондан, Конституцияни бойитиш мақсадида асосланган жамоатвий тақлифларни беришда жонбозлик кўрсатаётган бўлса, иккинчи томондан, халқимиз орасида конституциявий ислохотларнинг тарғиботида фаол иштирок этмоқда.

Шу ўринда “Фуқаролик жамияти институтлари референдумда қандай қўла ва миқёсларда иштирок этиши керак?” – деган табиий савол туғилади. Бу борадаги халқаро тажриба таҳлили шуни кўрсатадики, БМТ ва ЕХХТ каби халқаро ташкилотлар доирасида айни масалага алоқадор юздан зиёд резолюция ва халқаро ҳужжатлар қабул қилинган. Масалан, БМТ доирасида охириги 20 йилда давлатларда конституциявий ислохотларни амалга оширишга оид қабул қилинган 3 та йуриқномада фуқаролик жамияти институтларининг референдумларда иштироки асосан 8 та йўналишда амалга оширилиши кўзда тутилган.

Ушбу йўналишларнинг мазмун-муҳияти ва мамлакатимиздаги фуқаролик жамияти институтлари айни вақтда тегишли йўналиш бўйича қандай амалий натижаларга эришгани ҳақида алоҳида тўхталиб ўтиш зарур.

Биринчи йўналиш – референдумга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш жараёнларида очиқлик ва ошқоралик тамойилларини таъминлаш. Бунда, аввало, конституциявий ислохотлар бошидаёқ Конституцияга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш бўйича тақлифларни шакллантириш ва ташкилий чора-тадбирларни амалга ошириш юзасидан ташкил этилган Конституциявий комиссия фаолиятини эътироф этиш лозим. Конституциявий комиссия таркибига барча ҳудудлардан депутатлар, сенаторлар, жамиятнинг турли қатламлари, фуқаролик жамияти институтлари вакиллари, етук ҳуқуқшунос ва сиёсатшунос ҳамда бошқа экспертлар киритилган бўлиб, айнан улар ушбу жараёнларда очиқлик ва ошқоралик тамойилларини таъминлашга алоҳида аҳамият қаратмоқда.

Иккинчи йўналиш – референдумни ўтказишга услубий-амалий қўмаклашиш.

Фуқаролик жамияти институтлари вакиллари томонидан ўтган давр-



да бу борадаги миллий ва халқаро тажриба таҳлили ҳамда талқинига бағишланган турли адабиёт ва қўламанлар тайёрланиб, кенг тарқатилди. Миллий ва халқаро форумлар ташкил этилди, халқаро ҳамкорлар билан биргаликда референдум ташкилотчилари ҳамда иштирокчилари учун ўқув курслари, семинар-тренинглари ташкилланган.

Жумладан, Инсон ҳуқуқлари бўйича Миллий марказ томонидан Давлат ва ҳуқуқ институти, Барқарор ривожланиш маркази ва бошқа ҳамкор ташкилотлар билан бирга 193 та мамлакат Конституциялари, шунингдек, 500 тадан зиёд халқаро-ҳуқуқий ҳужжат атрофлига таҳлил этилди. Шу асосда “Шанхай ҳамкорлик ташкилотига аъзо давлатлар Конституциялари”, “Жаҳон Конституциялари”, “Конституциявий ислохотлар: дунё мамлакатлари тажрибаси” (5 жилдлик) каби ўндан зиёд асар яратилди.

Бундан ташқари Конституциявий қонун лойиҳаси ва ислохотларга оид фикр-мулоҳазалар, тақлифлар ва тавсиялар ишлаб чиқилди. Референдум ташкилотчилари ва иштирокчилари учун туркум конференциялар, семинарлар, тренинглари ташкил этилди. Ўзбекистон ва хорижда 70 тадан зиёд халқаро форум ўтказилди. Ана шу тадбирларда мамлакатимиздаги нодавлат нотижорат ташкилотлари ва академик ҳамжамиятнинг 5 минг нафардан зиёд вакили иштирок этди.

Учинчи йўналиш – референдумни ўтказиши устидан жамоатчилик назоратини ўрнатиш, мониторинг олиб бориш.

Бугунги кунда ноғиронлиги бор шахсларнинг референдумда иштирокини таъминлаш, шунингдек, гендер тенглик ва фуқароларнинг эркин овоз бериши учун зарур шароитлар яратилишини мониторинг қилишда мамлакатимиз фуқаролик жамияти институтлари фаолият кўрсатганини алоҳида таъкидлаш зарур. Маса-

дан, Қўзи ожизлар жамияти ва бошқа шундай жамиятлар томонидан референдум ўтказиладиган участкаларда ушбу аҳоли қатламлари учун яратилган шароит устидан самарали жамоат назорати ўрнатилганига бевосита гувоҳ бўлмоқдамиз. Янги таҳрирдаги Конституция лойиҳаси Брайль алифбосида нашр этилганини ҳам айтиб ўтиш жоиз.

Тўртинчи йўналиш – референдум ўтказишга қўмаклашиш бўйича волонтерлик ҳаракатини йўлга қўйиш.

Бу ўринда фуқаролик жамияти институтларининг минглаб кўнгилли вакиллари референдум жараёнларида фаол қатнашаётганига эътибор қаратиш мақсадида мувофиқдир.

Бешинчи йўналиш – референдум мавзусини тарғиб қилиш.

Бўлажак референдумга қўйилган долзарб масаланинг умумэътироф этилган халқаро стандартлар ва демократия тамойилларига мослигини ҳамда мамлакат тараққиёти ва жамият демократлашувига ижобий таъсирини аҳолига кенг тушултириб беришда фуқаролик жамияти институтларининг ўрни ва аҳамияти беқиёсизлигини амалда кўриб турибмиз. Нодавлат-нотижорат ташкилотлари фаоллари жойларда шу мақсадда илмий-амалий форумлар ташкил этгани, аҳоли билан доимий мулоқот ўрнатгани, китоблар ва бошқа адабиётлар, ахборот материаллари чоп этиш ва кенг тарқатишни йўлга қўйгани, волонтерлар сайтини очгани, оммавий ахборот воситалари ва ижтимоий тармоқларда айни мавзунини ёритишда фаоллик кўрсатаётгани бу фикримизни яққол тасдиқлайди.

Масалан, Инсон ҳуқуқлари бўйича Миллий марказ, Давлат ва ҳуқуқ институти, Барқарор ривожланиш маркази ва бошқа ҳамкор ташкилотлар томонидан биргина апрель ойининг ўзида тегишли мавзуда 2 мингдан зиёд мақола, шарҳ ва бошқа таҳлилий материаллар оммавий ахборот воситалари ҳамда Интернет тар-

моқларида эълон қилинди.

Олтинчи йўналиш – референдумга қўйилган ҳужжатларнинг жамоат экспертизасини ташкиллаштириш ва кенг жамоатчиликка тақдим этиш.

Конституциявий қонун лойиҳаси Янги Ўзбекистон тарихида илк мартаба фуқаролик жамияти институтларининг бевосита иштироки ва ташаббуси асосида гендер, бола ҳуқуқлари, инсон ҳуқуқлари, хусусан, ноғиронлиги бор шахсларнинг кадр-қиммати, ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш, ижтимоий давлат қуриш, тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш ва хусусий мулкни ҳимоя қилиш каби катор йўналишлар ҳамда аксилкоррупция ва тўғри ҳимоя қилиш бўйича экспертизалардан ўтказилди. Жамоатчилик экспертизаларида 300 дан зиёд нодавлат-нотижорат ташкилотлари иштирок этди.

Фуқаролик жамияти институтларининг тақлифлари, жумладан, “инсон шавни ва қадрини улуглаш”, янги “инсон – жамият – давлат” парадигмасини ҳаётга илҳом қилиш, халқчил, адолатли ва ижтимоий давлат барпо этиш, фуқаролик жамияти институтларининг ўрни ва мақомини конституциявий кафолатлаш, болалар, хотин-қизлар ва ноғиронлиги бўлган шахслар эркинликлари, ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини таъминлаш, экологик муаммоларни ҳал этиш каби йўналишларни қамраб олди.

Еттинчи йўналиш – референдум масалалари бўйича халқ билан мулоқотлар ўтказиш.

Ортимиз фуқаролик жамияти институтлари иштирокида айни мавзуда миллий маслаҳатлашувлар, жамоатчилик маслаҳатлашувлари, халқаро маслаҳатлашувлар ташкил этилди. Жамоатчилик фикрини ўрганиш мақсадида турли сўровномалар ўтказилди.

Саккизинчи йўналиш – жамиятда ҳуқуқий маданиятни оширишга қаратилган мақсадли чора-тадбирларни амалга ошириш.

Бу борада ҳам фуқаролик жамияти институтлари жуда фаол эканлиги эътироф этамиз. Буларнинг барчаси, ўз навбатида, бўлажак референдумда халқимиз овоз берадиган янги таҳрирдаги Конституцияда жамиятнинг барча қатламлари манфаатлари инобатга олингани, Янги Ўзбекистонни қуриш гоёси атрофида бутун жамият жипслашгани, Бош Қомусимиз том маънода халқ Конституцияси бўлаётганидан далолатдир.

Акмал САИДОВ,

Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази директори

◀ (Бошланиши 1-бетда)

Шу маънода, янгиланаётган Конституцияда қатъий белгилаб қўйилаётган “Халқ давлат ҳокимиятининг бирдан-бир манбаидир”, деган тамойил давлат ҳокимияти ўз моҳиятига кўра, халқ манфаатлари йўлида халқ унга бериб қўйган конституциявий-ҳуқуқий ваколатлар доирасида фаолият кўрсатишини аниқлатади.

Хуқуқий давлатнинг бу белгиси ҳокимият йўналишларини бир-бирдан ажратилиши билан чекланмайди. Аксинча, уларни ўз ваколатлари доирасида тамомил мустақил бўлиши, шунингдек, уларнинг Конституция ва қонун устуворлигини эътироф этиш асосида бир-бирини ўзаро назорат қилиш йўли орқали ҳокимиятнинг асосий йўналишларини кучайтирилган мамлакатимиз таррақийтига катта ҳисса қўшади. Қолаверса, бу мулкдорлар ҳуқуқларини суд орқали ишончли ҳимоя қилиши янада кенгайтиради.

Буни янгиланаётган Конституцияда маъмурий ислохотлар ўз аксини топаёт-

ЯНГИЛАНАЁТГАН КОНСТИТУЦИЯ — ҲУҚУҚИЙ ДАВЛАТ ҚУРИШНИНГ МУҲИМ ПОЙДЕВОРИ

гани мисолида яққол кўриш мумкин. Парламентнинг роли оширилган, давлат раҳбарининг айрим ваколатлари парламентга берилган, Қонунчилик палатаси ва Сенатнинг бир-бирини тақрорлайдиган назорат ваколатлари аниқлаштирилган шунлар жумласидандир.

Энг муҳими, бошқича-бошқича вилоят, туман ва шаҳарлардаги Кенгашларга ҳокимлар раислик қилиши ва бўлиши, шунингдек, уларнинг Конституция ва қонун устуворлигини эътироф этиш асосида бир-бирини ўзаро назорат қилиш йўли орқали ҳокимиятнинг асосий йўналишларини кучайтирилган мамлакатимиз таррақийтига катта ҳисса қўшади. Қолаверса, бу мулкдорлар ҳуқуқларини суд орқали ишончли ҳимоя қилиши янада кенгайтиради.

Янгиланаётган Конституцияда ўзини ўзи бошқаришга асосланувчи фуқаролик жамиятининг иқтисодий пойдевори «Хусусий мулк дахлсиздир. Мулкдор ўз мол-мулкидан қонунда назарда тутилган ҳолларда ва тар-

тибдан ташқари ҳамда суднинг қарорига асосланмаган ҳолда маҳрум этилиши мумкин эмас», деган тамойилда ўз аксини топган.

Янгиланаётган Конституцияда жамиятимиз изчил, бошқича-бошқич тарзда хусусий мулк муносабатлари, бозор иқтисоди ва рақобат муҳитини яратишга қаратилган йўлдан бориши белгиланмоқда. Бунда тараққиёт йўлининг иқтисодий асоси бўлган хилма-хил мулк шакллари, уларнинг бир хилда тенглик мақомига эгаллиги кафолатланган.

Хуқуқий давлатнинг яна бир муҳим белгиси – суд ҳокимиятининг мустақиллигидир. Суд ҳокимияти мустақил бўлмаган экан, жамият ривожланмайди.

Судга иши тушган ҳар бир фуқаро ушбу ташкилотда қонун ва адолат устувор



шароитда ишонч ҳосил қилиши лозим. Яъни ҳар қандай баҳсли масалага адолатли ечим фақат одил суд томонидан топилши керак. Келгусида судьялар ишига ҳар қандай аралашув ҳескин чора билан жазоланади, уларнинг хавотирсиз ишлаши учун барча зарур шаро-

итлар яратилади. Хулоса ўрнида айтадиган бўлсак, янгиланган Конституция халқимизни ижтимоий-ҳуқуқий жиҳатдан ҳимоя қилиш, фаровонликни ошириш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатлари муҳофазасини янада мустаҳкамлаш учун мустақам ҳуқуқий асос яратади.

◀ (Бошланиши 1-бетда)

Иккинчидан, давлат ҳисобидан юридик ёрдам кўрсатадиган адвокатларни жалб этишнинг шаффоф механизми жорий этилмагани айрим коррупциявий омиллар пайдо бўлишига сабаб бўлаётган эди.

Учинчидан, давлат ҳисобидан юридик ёрдам кўрсатиши мувофиқлаштирувчи ягона орган белгиланмагани бюджет маблағларининг сарфланиши устидан самарали назорат ўрнатилишига тўқинлик қилаётган эди.

Янги қонунда юқоридаги каби бир қатор масалалар ўз ечимини топмоқда. Яъни:

– соҳадаги муносабатларни тартибга солишга қаратилган “давлат ҳисобидан юридик ёрдам” ва бошқа бир қатор асосий тушунчаларга аниқ таъриф берилмоқда;

– давлат ҳисобидан юридик ёрдам кўрсатиш соҳасидаги асосий принциплар белгиланмоқда;


– Вазирлар Маҳкамаси ва Адлия вазирлигининг давлат ҳисобидан юридик ёрдам кўрсатиш соҳасидаги ваколатлари кўзда тутилмоқда;

– Адлия вазирлигига соҳадаги махсус ваколатли давлат органи сифатида давлат ҳисобидан юридик ёрдам кўрсатиш тизимини бошқариш, давлат ҳисобидан юридик ёрдам кўрсатувчи адвокатлар реестрини юритиш, соҳадаги қонунчилик талабларига риоя этилиши устидан тизимли мониторингни ташкил этиш ва бошқа қатор ваколатлар берилмоқда;

– давлат ҳисобидан юридик ёрдам фақат Давлат ҳисобидан юридик ёрдам кўрсатувчи адвокатлар ре-

■ **МОҲИЯТ**

Давлат ҳисобидан юридик ёрдам кўрсатиш тўғрисидаги қонун



жамиятимизда инсон ҳуқуқ ва эркинликларига ҳурмат маданияти юксалишига қаратилган

естрига киритилган адвокатлар томонидан кўрсатилиши белгиланмоқда;

– давлат ҳисобидан юридик ёрдам олиш ҳуқуқига эга бўлган жисмоний шахслар тоифаси қатъий белгиланмоқда, яъни:

- кам таъминланган шахслар;

- руҳий ҳолати бузилган жисмоний шахслар, уларга «Психиатрия ёрдами тўғрисида»ги қонунга мувофиқ психиатрия ёрдами кўрсатилаётганда;

- ўз ҳуқуқлари бузилган, «Хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар кафолатлари тўғрисида»ги қонунда назарда тутилган хотин-қизлар ва эркакларнинг тенг ҳуқуқлиги бузилганлиги муносабати билан судга мурожаат қилган жисмоний шахслар;

- Жиноят-процессуал кодексига мувофиқ жиноят иши бўйича адвокат иштирок этиши шарт бўлган тақдирда, гумон қилинувчи, айбланувчи ёки судланувчи ҳамда жабрланувчилар ушбу тоифага киритилмоқда;

- адвокатни Давлат ҳисобидан юридик ёрдам кўрсатувчи адвокатлар реестрига киритиш ва ундан чиқариш тартиби белгиланмоқда;

- давлат ҳисобидан юридик ёрдам олиш тўғрисида аризани бериш тартиби белгиланмоқда;

- давлат ҳисобидан юридик ёрдамни молиялаштириш асослари ва тартиби назарда тутилмоқда.

Шу билан бирга, янги қонунда давлат ҳисобидан юридик ёрдам кўрсатиш тўғрисидаги қонунчиликни бузганлик учун жавобгарликка оид ҳамда қо-

нуннинг ижросини, моҳияти ва аҳамиятини тушунтиришга оид нормалар кўзда тутилмоқда.

Янги қонун ҳудудлар манфаатига мос келиши жиҳатидан ҳам ўрганиб чиқилди. Биргина 2022 йилда адвокатлар томонидан давлат ҳисобидан 103 мингтага яқин 36.5 миллиард сўмлик юридик ёрдам кўрсатилган.

Ушбу статистик маълумотлар фақатгина жиноят ишлари билан эндиликда маъмурий ва фуқаролик ишларида ҳам бундай юридик ёрдамнинг кўрсатилиши кам таъминланган фуқароларга малакали юридик ёрдам олиш имкониятини яратди.

Шу сабабли янги қонун халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари томонидан тегишли соҳа вакиллари, мутахассис-

лар ва экспертлар иштирокида, шунингдек, кенг жамоатчилик томонидан муҳокама қилинди. Шу негизда унинг ҳудудлар манфаатига тўлиқ мос келиши ҳақида хулосага келинди.

Янги қонуннинг қабул қилиниши соҳада давлат сиёсатининг самарали амалга оширилиши, инсон ҳуқуқлари ва эркинликларига ҳурмат муносабати шаклланишига, мамлакатнинг халқаро майдондаги обрўси янада мустаҳкамланиши, шу жумладан, Ўзбекистоннинг иқтисодий ва сиёсий-ҳуқуқий рейтинг ҳамда халқаро индекслардаги мавқеи яхшиланishiга хизмат қилади.

Наримон УМАРОВ,
Олий Мажлис Сенати Суд-ҳуқуқ масалалари ва коррупцияга қарши курашиш қўмитаси раиси

Маълумки, кейинги йилларда мамлакатимизда ёшларнинг мукамал билим олишини таъминлашга қаратилган кенг имкониятлар яратилди. Биргина юртимизнинг деярли барча ҳудудларида фаолият юритаётган репетиторлик ўқув марказлари ҳам ана шундай имкониятлар самарасидир.

Жиноят ва жазо

ФИРИБГАРГА АЙЛАНГАН РЕПЕТИТОР



Балиқчи туманида яшайдиган Назира Тўлқинова ҳам 2019 йил октябрь ойида туманининг “Ифтихор” маҳалласида хусусий корхона шаклидаги ўқув маркази ташкил қилиш орқали ўзининг тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўяди. Мазкур ўқув маркази рус ва инглиз тилини ўргатишга ихтисослашган. Албатта, бу эзгу ишнинг самараси тез орада кўзга ташланди.

Аниқроғи, ушбу ҳудудда яшайдиган ёшлар ўқув марказида билим олиб, талабалик бахтига муяссар бўлишди. Аммо орадан икки йил ўтгач, Н.Тўлқинова тадбиркорлик фаолияти орқали толаётган даромадига қаноат қилмай, фибрибгарликка қўл урди. Яъни у ўқув марказига инглиз тилини ўрганиш мақсадида келган абитуриентлар М.Ахрориддинов ва А.Ақбаровни алдаб, чув туширди.

Н.Тўлқинова аввалига ёшларни АҚШнинг “Jacksonville” номли университетида ўқишга қизиқтиради. Шу мақсадда уммон ортида таълим олиш учун яратилган амалга оширилиши белгиланган. Бироқ кодекснинг 178-моддасида ажрим устидан шикоят бериш-берилмаслиги кўрсатилмаган. Шу боис суд буйруғи ёзувидаги хатолар ва очик кўриниб турган арифметик хатоларни тузатиш суднинг ташаббуси ёхуд ундирувчи ёки қарздорнинг аризаси бўйича ушбу буйруқ қандай тартибда берилган бўлса, шундай тартибда суднинг ажрими асосида амалга оширилиши белгиланган. Бироқ кодекснинг 178-моддасида ажрим устидан шикоят бериш-берилмаслигини аниқлаштириш зарур.

Хулоса сифатида шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, фуқаролик ишлари юритишда соддалаштирилган тартиб бўлган суд буйруғининг низосиз талаблар бўйича суд муҳокамасини ўтказмасдан берилиши тарафлар ва судга вақт ҳамда бошқа ресурсларни тежаш имконини бермоқда. Энг муҳими, суд буйруғи бериш ҳақидаги талаблар доирасининг кенгайтириб борилаётгани инсон ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишга катта ҳисса қўшмоқда.

Дилноза ИСАЕВА,
Судьялар олий мактаби тингловчиси

Америкада ўқиб юрган пайтимида криптовалюта сотиб олгандим. Ҳозир у тўрт минг долларга кўпайган. Ўша пулни россиялик адвокатим ёрдамида чет эл виза картасига тушириб олмоқчиман. Шунинг учун адвокатлик хизмати учун беш юз доллар бериб турсангиз, — дейди у. — Узоғи билан икки кунда қайтараман.

Бинобарин, соддадил М.Ахрориддинов яна унинг алдовига лаққа ишониб, 500 АҚШ доллари ҳисобида 5.422.010 сўм қарз беради. Лекин бу пуллар ҳам аввалгиларига ўхшаб ҳақдорга қайтмайди. Шундай бўлса-да, М.Ахрориддинов ва А.Ақбаров яна уч ой кутишади.


Аммо фибрибгар аёлнинг алдовларининг охири кўринмайди. Шу боис жабрланувчилар тоқатлари тоқ бўлиб, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идорага мурожаат қилишади. Оқибатда фибрибгар репетиторга нисбатан жиноят иши кўзгатилади. Жиноят ишлари бўйича Балиқчи тумани суди уни Жиноят кодексининг 168-моддаси 3-қисми “а, б” бандлари ва 28, 211-моддаси 1-қисми билан айбдор деб топиб, озоқликдан маҳрум қилиш жазоси тайинлади. Шунингдек, суд ҳукмида судланувчидан жабрланувчиларга етказилган моддий зарарларни ундириш ҳам белгиланди. Судланувчининг 3 нафар вояга етмаган фарзандлари қаровсиз қолгани сабабли онаси Г.Муҳамедованинг вассилигига топширилди.

Назира Тўлқинова 4512 АҚШ долларининг 1500 долларини “ҳужжатларни расмийлаштиришнинг тезлаштириш учун” дея пора тариқасида олганди. Жабрланувчилар ҳам жиноят эканини била туриб, шунча маблағни пора тариқасида беришган. Бинобарин, суд ана шу 1500 АҚШ долларини давлат эгаллигига ўтказди.

Хулоса ўрнида бир фикрни алоҳида таъкидлашни истардим. Кунда-кунора телевидение, ижтимоий тармоқлар ва бошқа оммавий ахборот воситаларида фибрибгарликнинг турли кўринишлари, усулларидан огоҳ этувчи халлар бериб борилмоқда. Аммо баъзи юртдошларимиз пешоналари деворга урилиб, ўзлари жабрланувчи ёки судланувчига айланмагунча кўзларини очошмаяпти. Яъни соддадил инсонлар иш битиришнинг осон йўлини танлаб, фибриб тузоғига илинаётган бўлишса, бели оғримай пул топши пайига тушган кимсалар фибрибгарликдан тап тортишмаяпти. Шундайди. Бироқ бу репетитор аёлнинг охириги фибрибгарлиги эмасди. Чунки у 2022 йил февраль ойининг бошларида яна М.Ахрориддиновни аврашга тушади.

Фурқатжон СОБИРОВ,
жиноят ишлари бўйича Балиқчи тумани суди раиси

— Бир неча йил илгари



◀ (Бошланиши 1-бетда)

Фуқаролик процессуал кодексининг 171-моддасида суд буйруғи тартибида иш юритиш асослари кўрсатилган. Хусусан, талаб нота-риал тасдиқланган битим ёки ёзма битимга асосланган ва қарздор томонидан тан олинган бўлса, коммунал хизматлар ёки алоқа хизматлари тўлови бўйича қарздорлик ва вояга етмаган болалар учун алимент ундириш, шунингдек, оталикни белгилаш билан ёки учинчи шахсларни жалб этиш зарурати билан боғлиқ бўлмаган талаблар бўйича суд буйруғи берилди.

Суд буйруғини бериш тўғрисидаги аризада судловга тегишлиликнинг умумий қоидаларига риоя этилиши шарт.Бундан ташқари суд буйруғини бериш тўғрисидаги аризага давлат божи ва почта харажатлари тўлангани, ҳуқуқий муносабатни судгача ҳал қилиш тартибига риоя қилингани тўғрисидаги маълумотлар (агар бу қонун ёки шартномада назарда тутилган бўлса), талабларга асос бўлган ҳолатларни тасдиқловчи ҳужжатлар илова қилинади. Суд буйруғини бериш тўғрисидаги аризани қабул қилиш рад этилган тақдирда, ундирувчи томонидан тўланган давлат божи қайтариб берилди.

Аммо суд буйруғи бекор қилинган тақдирда, тўланган давлат божи қайтариб берилмайди. Ундирувчи қарздорга нисбатан даъво иши юритиш тартибида даъво қўзғатган тақдирда тўланган давлат божи тўланиши лозим бўлган божга қўшиб ҳисобланади. Арз қилинган талабнинг мазмунини бўйича суд буйруғи ариза судга келиб

тушган кундан эътиборан 3 кун ичида судья томонидан берилди. Суд буйруғи судья томонидан ундирувчи ва қарздорни судга чақирмасдан, уларнинг тушунтиришларини эшитмасдан яқка тартибда, суд муҳокамасисиз берилди. Агар белгиланган муддатда қарздордан судга эътироз келиб тушмаса, судья ундирувчига суднинг муҳри ёки электрон имзоси билан тасдиқланган буйруқ кўчирма нусхасини ижрога тақдим этиш учун беради. Ундирувчининг илтимосига мувофиқ суд буйруғи ижро этиш учун бевосита суд томонидан юборилиши ҳам мумкин. Суд буйруғи ўн кунлик муддат ўтгач, қонуний кучга кирди.

Қарздор арз қилинган талабга қарши эътирозларини буйруқни берган судга суд буйруғининг кўчирма нусхасини олган кундан эътиборан ўн кунлик муддатда юборишга ҳақли. Бундай ҳолда судья суд буйруғини бекор қилиш тўғрисида ақрим чиқаради. Суд буйруғини бекор қилиш тўғрисидаги ақримда судья ундирувчи билдирган талаб даъво ишини юритиш тартибида тақдим этилиши мумкинлигини тушунтиради. Суд буйруғини бекор қилиш тўғрисидаги ақримнинг кўчирма нусхаси ақрим берилгандан сўнг уч кундан кечиктирмай ундирувчи ва қарздорга топширилади ёки уларга почта орқали ёхуд электрон ҳужжат тарзида юборилади. Алимент ундириш тўғрисидаги суд буйруғи ижро ишини юритиш бўйича ундирув туғасунига қадар ундирувчининг аризасига қўра, бекор қилиниши мумкин. Суд буйруғи бўйича ундирув буйруқ берилгандан сўнг ўн кунлик муддат ўтгач, суд ҳужжат-

● **Ҳуқуқий маърифат**

Суд буйруғи

фуқаролик ишларида қулай иш юритиш усулидир

ларини ижро этиш учун белгиланган тартибда амалга оширилади.

Амалиёт таҳлили суд буйруғи институтини янада такомиллаштириш зарурияти мавжудлигини кўрсатмоқда. Гап шундаки, Олий суд Пленумининг “Буйруқ тартибида иш юритиш тартибига солувчи қонун нормаларини қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида”ги қарори 11-банди 2-хатбошисида Оила кодексининг 102-моддаси 2-қисмига асосан вояга етмаган фарзанд таъминоти учун қатъий суммада алимент ундириш ҳақидаги талаб суд буйруғи тартибида қўрилиши мумкин эмаслиги белгиланган. Аммо ушбу қарор ёки Фуқаролик процессуал кодексиде вояга етмаган фарзанд таъминоти учун қатъий суммада алимент ундириш ҳақида буйруқ чиқариш тўғрисидаги талаб судга келиб тушса, ариза қандай тартибда ҳал қилиниши кўрсатилмаган. Шу сабабли Фуқаролик процессуал кодексининг 175-моддасига суд буйруғини бериш тўғрисидаги аризани қабул қилиши рад этишнинг тўртинчи асоси сифатида вояга етмаган фарзанд таъминоти учун қатъий суммада алимент ундириш ҳақидаги талаб бўйича қонидани ҳам киритиш мақсадга мувофиқдир. Қолаверса, Фуқаролик процессуал

кодексининг 178-моддаси 3-қисмида суд буйруғи ёзувидаги хатолар ва очик кўриниб турган арифметик хатоларни тузатиш суднинг ташаббуси ёхуд ундирувчи ёки қарздорнинг аризаси бўйича ушбу буйруқ қандай тартибда берилган бўлса, шундай тартибда суднинг ажрими асосида амалга оширилиши белгиланган. Бироқ кодекснинг 178-моддасида ажрим устидан шикоят бериш-берилмаслиги кўрсатилмаган. Шу боис суд буйруғи ёзувидаги хатолар ва очик кўриниб турган арифметик хатоларни тузатиш суднинг ташаббуси ёхуд ундирувчи ёки қарздорнинг аризаси бўйича ушбу буйруқ қандай тартибда берилган бўлса, шундай тартибда суднинг ажрими асосида амалга оширилиши белгиланган. Бироқ кодекснинг 178-моддасида ажрим устидан шикоят бериш-берилмаслигини аниқлаштириш зарур.

Хулоса сифатида шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, фуқаролик ишлари юритишда соддалаштирилган тартиб бўлган суд буйруғининг низосиз талаблар бўйича суд муҳокамасини ўтказмасдан берилиши тарафлар ва судга вақт ҳамда бошқа ресурсларни тежаш имконини бермоқда. Энг муҳими, суд буйруғи бериш ҳақидаги талаблар доирасининг кенгайтириб борилаётгани инсон ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишга катта ҳисса қўшмоқда.

Дилноза ИСАЕВА,
Судьялар олий мактаби тингловчиси



Тарих тилсимлари

Нажоткор султон

ёхуд Сайфиддин Қутуз ким бўлган?

1221 йилнинг 2-ноябрида Хоразмда Жалолиддин Мангубердиннинг опаси Хонсултон ўғил фарзандли бўлади. Унга Сайфиддин Қутуз исм-шарифи берилади. Гўдаклигиданоқ тоғасининг тарбиясини олган Сайфиддин жасурлиги ва теран ақл-заковати билан бошқалардан ажралаб турган.

Жалолиддин Мангубердиннинг мўғул босқинчиларига қарши мардонавор жанглирида жияни Сайфиддин Қутуз ҳам доимо унинг ёнида бўлган.

Аммо Сайфиддин Қутуз Жалолиддин Мангубердиннинг ўлимидан сўнг мўғуллар қўлига асир тушиб қолади. Кейинчалик босқинчилар уни Дамашқдаги кул бозоридан мисрликларга сотиб юборади. Уни мисрлик Ибн Займ сотиб олади. Ибн Займ ўқимишли, табиатан софдил инсон эди, у Сайфиддин Қутузнинг илм ва бошқарув ишига катта иштиёқи борлигини англаб етади. Шу боис унга шахсан ўзи сабоқ бера бошлайди. Тез орада иқтидори баланд Сайфиддин араб тили ва фикр илмини чуқур ўрганайди. Кейинчалик бошқарув ва ҳарбий соҳани ҳам кунт билан ўрганишга киришади.

Миср султони Салоҳиддин ал-Айюбийнинг амирларидан бири бўлган Иззиддин Ойбек хизматида кирган Сайфиддин Қутуз теран фикри, тўғрисиқлиги ва ташаббускорлиги боис тез орада амирнинг ишончли кишига айланади. Иззиддин Ой-

бек Миср султони бўлган, Сайфиддин Қутузни ўзининг ёрдамчиси этиб тайинлайди. 1254 йилда бир неча сулола вакиллари билан пинҳона тил бириктирган бахрийлар амира Форасиддин Оқтой султонга суиқасд уюштиради. Аммо бахтли тасодиф ва сарой соқчиларининг хушёрлиги туфайли уларнинг фитнаси амалга ошмай қолади. Суиқасдда иштирок этган амир Бейбарс мамлакатдан қочиб кетишга муваффақ бўлади. Аммо бунга қарамай орадан уч йил ўтгач, султон Иззиддин Ойбек хотини бошчилигидаги фитначилар томонидан ўлдирилади ва Сайфиддин Қутуз ёрдамида тахтни унинг 15 ёшли ўғли Нуриддин ал-Мансур Али эгаллайди. Амалда давлат бошқарувини ўз қўлига олган Сайфиддин Қутуз Миср чегарасига яқинлашаётган мўғул босқинчиларига қарши курашишга тайёрлана бошлайди.

1258 йилнинг феврал ойида мўғуллар хони Хулағунинг Боғдошни истило этиши ва аббосийлар ҳукмдори ал-Мустаъсим биллоҳни оиласи билан қатл қилиши ён-атрофдаги мамлакатларда кучли кўркүк

ва саросимани келтириб чиқаради.

Ўша пайтда Миср мўғуллар қўлга киритмаган сўнги ҳудуд бўлиб қолган бўлса-да, душманга қарши курашишга тайёргарлик кўришни 15 ёшли султон Нуриддин Али парвойига ҳам келтирмайди. Мўғул босқинчилари мамлакат остонасида турганини яхши англаган Сайфиддин Қутуз пухта режа тузишга, амалий ишга киришишга жазм қилади. У 1259 йилнинг 12 ноябр куни амирлар пойтахт Қоҳирадан ов қилишга чиқиб, кетганида 15 ёшли Нуриддин Алини тахтдан ағдариб, ўзини султон деб эълон қилади. Албатта, Сайфиддин Қутузнинг қутулмаган бу ҳаракати амирлар ўртасида кескин норозиликка сабаб бўлиши, ҳатто Миср давлати ҳам парчаланиб кетишга ҳам олиб келиши мумкин эди. Бироқ Сайфиддин Қутуз амирлар ордан қайтгач, бу ишга ҳокимиятни эгаллаш илинжида эмас, балки мўғулларга қарши жанг қилиш ниятида қўл урганини, душманни енгича, ҳокимиятни ўз ихтиёри билан топширишини ётиги билан тушунтиради. Ўша таҳликали паллада амирлар Сайфиддин Қутузнинг фикрларини тўғри деб топишади ва уни султон деб тан олишади.

Қисқаси, орадан кўп ўтмай мўғуллар хони истило навбати Миср келганини билдириш учун Сайфиддин Қутузга қон билан ёзилган таҳдидли мактуб жўнатади. Бунга жавобан Сайфиддин Қутуз мактубни олиб келган элчиларнинг бошини танидан жудо қилиб, Қоҳира шаҳри дарвозасига остиради. Бу муқаррар урушнинг бошланиши эди. Оғир ва ҳал қилувчи жангга тайёргарлик пайтида Қоҳирадан қочиб кетган амир Бейбарс ўз кўшини билан



Қизиқарли фактлар

Машхур инсонларнинг ҳаёт йўли, фаолияти, ўзгача феъл-атвори ва одатлари кўпчиликни қизиқтириши шубҳасиз. Қолаверса, улар билан боғлиқ бўлган антиқа воқеа-ҳодисалар ҳам киши эътиборини тортиши табиий. Қуйида шулар ҳақда ҳикоя қиламиз.



ТАҚДИР ҒАРОЙИБОТЛАРИ

НЕГА МЕН ТИРИКМАН?

Бир куни тахририятнинг машхур Марк Твен ишлайдиган бўлимига ўртамеёна муаллифнинг бир туркум шеъри келиб тушади. Уларга "Нега мен тирикман?" деган умумий сарлавҳа қўйилган эди. Ёзувчи кўлёмани эгасига қайтарар экан, сарлавҳа остига шундай изоҳ ёзиб қўяди: "Чунки сиз тахририятта шеърларингизни ўзингиз олиб келмадингиз, почта орқали юбордингиз".

ШАХСИЙ КИТОБЛАРНИ АСРАШ УСУЛИ

Таниқли француз ёзувчиси, адабиёт йўналишида Нобел мукофоти совриндори Анатол Франс ўткир фикрлари, лутфлари, кинояли-кулгири сўзлари билан ҳам шухрат қозонган. Жумладан, унинг шахсий китобларни асраш ҳақидаги ушбу тавсияси эътиборга молик:

"Китобларингизни ҳеч кимга берманг. Акс ҳолда, уларни қайтиб кўрмайсиз. Масалан, менинг кутубхонамда бировлардан ўқиб туриш учун олинган китобларгина қолган, холос".

ТАРИХДА ҚОЛИШ

Бернад Шоу элга танилиб, обрў-эътибор қозонган пайтда кўчада уни бир велосипедчи уриб юборади. Хайриятки, ҳеч ким оғир жароҳат олмади. Икковлари ҳам қаттиқ кўрқиб кетишади, холос. Велосипед минган киши югуриб келиб, ёзувчидан тўхтовсиз уэр сўрай бошлайди. Аммо Шоу унинг узрини қабул қилмайди:

— Омади қулмаган одам экансиз-да, жаноб! Яна озгина ғайрат қилганингизда менинг қотилим сифатида тарихда қолардингиз.

ҒАРОЙИБ ҚАЙТИМ

Ҳажвий асарлари билан ном қозонган чех ёзувчиси Ярослав Гашек Баварияга саёҳат қилади. Сафар пайти маҳаллий тансиқ таом — сосиска ейишни кўнгли тусаб қолади.

Станцияларнинг бирида перронда дайиб юрган бир болани чақиради ва шундай дейди:

— Мана, сенга 40 пфеннинг. Иккита сосиска ол. Биттасини ўзинг е, иккинчисини менга олиб кел.

Поезд жўнашига бир дақиқача қолганда ҳалиги болакай йўл-йўлакай чайналганча вагонга югуриб келади. Гашекка 20 пфеннинг узатади ва шундай дейди:

— Фақат битта сосиска қолган экан. Уни ўзим едим. Манави 20 пфеннинг эса, сосискангизнинг пули...

АНТИҚА ХУШОМАД

Машхур ёзувчи Александр Дюма ўз даврининг атоқли врачларидан бири Гистал билан тушлик қилади. Дўхтир ёзувчидан "Мулоҳазалар китоби"га бирор нарса ёзиб беришни сўрайди. Бу китобга кўпинча даво топган беморлар ўз дил изҳорларини битишар эди.

Дюма илк жумласини ёзади: "Дўхтир Гистал ҳамма оилаларни даволайдиган вақтдан бошлаб шифохоналарни беркитиш керак".

Бу гапни ўқиган врач талтайиб кетади: — Хушомадни ҳам бошладингизку?!

Шундан сўнг Дюма фикрини шундай тугаллайди: "Ва иккита янги қабристон ҳам очилар зарур..."

ҲАЁТДАГИ ШЕРЛОК ХОЛМС

Англиялик машхур ёзувчи Артур Конан Дойл кунларнинг бирида Парижга келади. Вокзалда бир таксичи унга жуда ишончли киёфада яқинлашади ва ҳеч бир сўз демай жомадонини олиб, машина юкхонасига ташлайди. Рулга ўтиргачгина тилга қиради:

— Жаноб Конан Дойл, сизни қаерга олиб бориб кўяй?

— Ие, мени қайдан танийсиз? — деб ҳайрон бўлади ёзувчи.

— Биринчи марта кўришим, — деб жавоб беради ҳайдовчи.

— Ундай бўлса, менлигимни қандай билдингиз?

— Сиз тасвирлаган детектив усул билан, — дейди таксичи гурурланиб. — Биринчидан, Артур Конан Дойл шахримиздаги "Ривер" оромгоҳида икки ҳафта дам олишини газеталардан ўқигандим. Иккинчидан, сиз тушган поезд Марселдан келяпти.

Учинчидан, юзингиз қорайган, бу ўрта ер денгизи соҳилларида камида ўн кун турганингиздан далолат. Марсел ўрта ер денгизи соҳилида жойлашган. Ўнг кўлингизнинг ўрта бармоғидаги сиёҳ доғини кўриб, ёзувчи эканингизга ишонч ҳосил қилдим. Ўзингизни тутингиз касбингиз дўхтир эканини кўрсатиб турибди. Ана шу мушоҳада ва мулоҳазалардан сўнг қаршимда машхур адиб, Шерлок Холмс ҳақидаги ҳикоялар муаллифи Артур Конан Дойл турганини англадим!

Таксичининг сўзларини эшитиб, ёзувчи ёқа ушлайди:

— Сиз деярли Шерлок Холмснинг ўзи экансиз-ку! — деб ҳайқиради у. — Ахир, арзимас белгилардан шундай ҳулоса ясаш ҳазилкам гапми!

— Ҳа, энди... — деб мақтовларни тўхтатишга уринади ҳайдовчи. — Мен яна бир арзимас белгини пайкаб қолдим.

— Қанақа белги?

— Жомадонингизга ёпиштирилган ёрлиқни. Унга сизнинг исм-шарифингиз ўқловдай қилиб ёзиб қўйилган экан!

Интернет материаллари асосида Шохрух ТОШКЕНТОВ тайёрлади.



Хар қандай касб ёки кавозим ҳар бир кишидан ҳалоллик ва фидойиликни талаб этади. Бу каби инсоний мезонларга амал қилиб яшаш инсон умрини безайди, уни юксакликка кўтарайди. Аксинча, тўғри йўлдан адашиб, нопокликка қўл урган кимсалар охири-оқибатда эл назаридан қолиб, юшувут бўлиши тайин. Бунга қуйидаги воқеа тафсилоти ҳам яққол тасдиқлайди.

Шифокор деганда, барчанин кўз ўнгида оқ либосли жонқуяр ва халоскор сиймо гавдаланади. Бугунги кунда жамиятимизда шарафли касб ортидан обрў-эътибор қозониб, эл-юрт олқишига сазовор бўлган шифокорлар жуда кўп. Бироқ ўз нафси йўриғида юриб, таъмагирлик каби чиркин иллатларга қўл ураётганлар ҳам учраб туриши таассуфли ҳолдир.

Узоқ йиллардан буён Шаҳрисабз шаҳридаги марказий шифохонада жарроҳ сифатида фаолият юритиб келган Ўктам Мусурмонов (исм-шарифлар ўзгартирилган) ўтган йили Мудофаа ишлари бўлими ҳузурида ташкил қилинган ҳудудий ҳарбий-тиббий қақирув комиссиясининг катта шифокорлигига тайинланади.

Жиноятга жазо муқаррар

КАСБГА ХИЁНАТ



ЁХУД ОҚ ХАЛАТДАГИ ДОҒ

Ушбу комиссия ҳарбий хизматга бориш ёки ҳарбий билан юртига ўқишга киришга талабдор бўлган ёшларни тиббий кўриқдан ўтказиб, уларга тиббий ҳулосалар бўйича йўлланма бериш ваколатига эга.

Шаҳрисабз туманида яшовчи Жасур Нарзиев ҳарбий билан юртига ўқишга кириш учун ҳужжат топшириш мақсадида комиссияга мурожаат қилади. Шундан сўнг Жасур барча мутахассис-шифокорлар кўригидан ўтиб, соғлом деб топилади. Аммо тиббий ҳужжатларни расмийлаштириш чоғида Ў.Мусурмоновнинг нияти бу-

зилади. У оёқларида нуқсон борлигини ваҳ қилиб, Жасурдан пул талаб қилади.

— Мен сенга ёрдам бермоқчиман. Ота-онанг билан маслаҳатлашиб кўр. Агар "ҳаражат"дан қочмасанглар, тиббий йўлланмани кўлимда деб ҳисоблайвер, — дейди таъмагир шифокор.

Ўғлидан бу гапни эшитган Шокир Нарзиев ўйланиб қолади. Чунки у фарзандининг шифокорлар кўригидан ижобий ҳулоса олганидан хабардор эди. Шу боис Ў.Мусурмонов билан юзма-юз учрашишга қарор қилади.

Улар учрашганда таъмагир шифокор агар айтилган

пулни бермаса, Жасур ҳарбий билан юртига ҳужжатларини топшира олмаслигини ошқора маълум қилади.

Шунда ноилоҳ қолган Ш.Нарзиев таъмагирнинг шартига розилик билдиради ва икки-уч кун ичида келишилган маблағни ўғлидан бериб юборишини айтади. Бироқ орадан айрилган муддат ўтар-ўтмас, Ў.Мусурмонов гоҳ ота, гоҳ ўғилга кўнгироқ қилиб, пулни тезроқ олиб келишни, йўқса, Жасурнинг ҳужжатларини расмийлаштирмаслигини қайта-қайта уқтирарди.

Бундан жаҳли чиққан Ш.Нарзиев қонуний тўхтама

келади. У таъмагир шифокорга чора кўришни сўраб, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идорага ариза билан мурожаат этади. Ушбу аризага биноан ўтказилган тезкор тадбирда Ў.Мусурмонов Ж.Нарзиевдан талаб этилган миқдордаги пулни олаётган вақтида жиноят устида қўлга олинади. Шу тариқа узоқ йиллардан буён шифокор сифатида элга хизмат қилиб келган Ў.Мусурмонов нафс балосига учиб, мисқоллаб йиққан обрў-эътиборини ҳавога совурди. Янада аниқроқ айтадиган бўлсак, шифокор деган номга доғ туширди.

Суд Ў.Мусурмоновнинг қилмишини суриштирув ва тергов жараёнида тўпланган исбот ва далиллар асосида муҳокама этган ҳолда, унга нисбатан муайян муддатга озодликдан маҳрум этиш жазосини тайинлади.

Хулоса ўрнида шуни айтиш жоизки, таъмагирлик ва ўз мансаб ваколатини суиистеъмол қилиш хавфли иллат ҳисобланади. Шу боис унга қарши курашга кенг жамоатчилик эътиборини қаратиш ва ҳуқуқий маданиятини юксалтириш зарур.

Фаёза ҚАМБАРОВА,

Қашқадарё вилояти

суди судьяси

Абдунаби БОБОЁРОВ,

"Куч - адолатда" муҳбири

Куч — адолатда

МУАССИС:

Ўзбекистон Республикаси
Олий суди

Бош муҳаррир:
Шодиқул ҲАМРОЕВ

Газета 2007 йил 23 февралда
Ўзбекистон Матбуот ва ахборот
агентлигида 0224-рақам билан
руйхатдан ўтган.



ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:

Бахтиёр ИСЛАМОВ
Робохон МАХМУДОВА
Халилullo ТУРАХУЖАЕВ
Икрам МУСЛИМОВ
Шухрат ПОЛВАНОВ

Холмўмин ЁДГОРОВ
Зарифжон МИРЗАҚУЛОВ
Замира ЭСОНОВА
Азиз АБИДОВ
Бобомурод РАЙИМОВ

Саҳифаловчи:

Шерзод
ХАЙРУЛЛАЕВ

Газета «Куч» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида офсет усулида босилди.
Босмахона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-йў.
Манзиллари: 100097, Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Чўпонота кўчаси, 6-уй, Тел.: 71 273-72-29 E-mail: kuch-adolatda@mail.ru
Нашр индекси: яқна тартибда - 574, ташкилотлар учун - 575.
Буюртма: G-145 Қоғоз бичими: А-2. Ҳажми: 3 босма табоқ.
Сотувда эркин нархда. Адади: 7015
1 2 3 4 5 6 Топшириш вақти: 21⁰⁰. Топширилди: 22⁵⁵.